

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**АЛ – ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 796.677.07.3775

ХУДАЙБЕРГАНОВ ОТАБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК
АМАЛИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Мутахасислик: 5A141901-“ *Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият* ”
(таълим турлари бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
п.ф.н. А.К.Шарипов

Урганч – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МАСАЛАНИНГ АДАБИЙ МАНБАЛАР БЎЙИЧА ХОЛАТИ	7
1.1. Педагогик тажриба – талабаларни жисмоний маданият бўйича касбий-педагогик тайёргарлигининг босқичи сифатида.....	7
1.2. Олий жисмоний маданият таълими тизимида талабаларнинг педагогик амалиётининг тузулмаси ва мазмуни.....	11
1.3. Жисмоний маданият ўқитувчиларини касбий-педагогик тайёргарлигининг етарли даражада юқори эмаслигини айрим сабаблари.....	23
II БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, УСЛУБЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	28
2.1. Тадқиқотнинг вазифалари.....	28
2.2. Тадқиқот услублари.....	28
2.2.1. Адабиёт манбалардаги маълумотларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш.....	29
2.2.2. Талабаларнинг жисмоний тарбия бўйича амалий билимларини анкеталаштириш ёрдамида ўзлари ўз амалиёт натижаларини таҳлил қилишлари.....	29
2.2.3. Педагогик кузатувлар.....	29
2.2.4. Видеоёзув ва таҳлил.....	30
2.2.5. Педагогик тажриба (эксперимент).....	30
2.2.6. Математик-статистик таҳлил.....	31
III БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	32
3.1. Анкеталаштириш-жисмоний маданият факультети талабаларининг педагогик амалиётга касбий тайёргарлигини тадқиқ қилиш усули сифатида.....	32
3.2. Талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасини оширишда инновацион технологияларнинг роли.....	41
3.3. Талабаларнинг педагогик амалиётдан ўтишга касбий-педагогик тайёрлаш инновацион услубини ишлаб чиқиш.....	53
3.4. Педагогик амалиётни ўтиш даврида талабаларда касбий-педагогик билимларни такомиллаштириш дастурининг самарадорлигини баҳолаш.....	55
ХУЛОСАЛАР	60
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	62
Фойдаланилган адабиётлар	63
ИЛОВА	71

Кириш

Олий малакали жисмоний маданият мутахассисларини тайёрлашга эҳтиёж бугунги кунда энг долзарб масалалардан биридир. Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида етакчи ўрин педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультетига тегишлидир. Аммо ўқитувчиларни тайёрлаш даражасига бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Педагогик кадрларни ҳамма ихтисосликлар бўйича тайёрлаш сифатини ошириш ҳозирги вақтда энг долзарб илмий муаммолар қаторига киритилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш зарурати бизнинг назаримизда, мураббий ўқитувчиларнинг бир қисми ҳозирги вақтгача таълимнинг самарасиз, хатто, баъзан эса нотўғри усулларни ишлатаётганлиги билан изоҳланади. Жисмоний маданиятни ривожлантириш мавжуд давлат тизимининг ташкилий тузилмасига - болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юртлари, шунингдек, мустақил жисмоний тарбия ҳаракатлари – саломатлик гуруҳлари, соғломлаштириш оромгоҳлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрларни, жумладан, олий педагогик таълим тизимида жисмоний маданият ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва натижаларини яхшилаш зарурлиги ҳақида айтилган. Бу ёндошувнинг асосий ғояси ўқув материални интеграциялаш, уни зичлаштириш, зарур боғлиқликларни, шу жумладан, фанлараро ва фан ичидаги боғлиқликларни ўрнатишдадир.

Умумий педагогик тайёргарликни анъанавий ташкил қилишдан инновацион фаолият каби замонавий усулда ташкил қилишга ўтиш - бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдаги мавжуд зиддиятларни сезиларли даражада хал қилиш, жисмоний маданият факультети талабасининг маънавий жиҳатдан яхлит дунёқарашли шахс сифатида ривожланиши, унинг маданий

кадриятларига даҳлдорликка жалб этиш, касбий педагогик тайёрлаш тизимининг психологик, педагогик ва физиологик тизимли яхлит ёндошувлар тамойиллари асосида қайта қуриш имконини беради.

Мавзунинг долзарблиги: Жисмоний маданият ўқитувчисининг мутахассис сифатида шаклланишида спорт ва педагогика фанлари жуда муҳим роль ўйнайдилар. Ўқув машғулоти жараёнида талабалар гуруҳларга раҳбарлик қилиш жараёнида асосий педагогик кўникмалардан бошқара олиш, жисмоний машқлар атамаларини тўғри талаффуз қилиш, машқлар пайтида хавфсизликни таъминлаш ва ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллайдилар. Жисмоний маданият факультетлари - ўрта таълим мактаблари учун жисмоний маданият ўқитувчиси кадрларни тайёрлаш вазифасига эгадирлар ва ўқув жараёнининг мазмуни талабаларни биринчи навбатда уларга иш фаолиятида керак бўладиган билим, тажриба ва кўникмалар билан қуроллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Адабий манбаларни ўрганиш жисмоний маданият йўналиши талабаларини касбий педагогик тайёргарлик жараёнида инновацион таълимнинг методик тайёргарлик даражасини етарлича эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, адабий манбалардаги маълумотлар тахлили кўрсатишича, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши талабаларининг педагогик амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ ёритилмаган. Шу вақтга қадар жисмоний маданият факультети талабаларини мактабда дарсларни ўтказишга тайёрлашда инновацион таълим орқали яхшилаш йўллари ўрганишга қаратилган илмий тақиқот ишлари жуда кам.

Жисмоний маданият ўқитувчисини тайёрлашда педагогик амалиёт энг муҳим босқичдир. Талабанинг мутахассис сифатида кейинги шаклланиши: унинг ўз кучига ва касбни тўғри танлаганига ишончи ошиши, ёки унда ишончсизлик ва иккиланишлар пайдо бўлиши кўп жиҳатдан ана шу амалиётнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ўтишига боғлиқдир.

Амалиётнинг оқибати, қандай ўтиши талаба амалиётга ўзи билан олиб келаётган касбий билимлар салмоғи, тажриба ва кўникмаларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигининг сифатини яхшилаш муаммосининг анланган муҳимлиги унинг долзарблиги, умумтаълим мактабларида жисмоний маданият дарсларини ўтишга тайёргарлик масалаларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги бизнинг тадқиқотимизнинг мавзусини танлашга сабаб бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади: Жисмоний тарбия таълими тизимида педагогик амалиётнинг тузилмаси ва мазмунини модернизациялашнинг инновацион технологиялар орқали самарали воситалар ва усулларни қўллаш ҳисобига ёрдам беришдир.

Тадқиқот объекти: Жисмоний маданият факультети талабаларининг педагогик амалиёт даври.

Тадқиқот предмети: Жисмоний маданият йўналиши бўйича педагогик амалиёт мазмунини янги педагогик ва инновацион технологиялар ёрдамида такомиллаштиришнинг восита ва усуллари.

Тадқиқод фарази: Тахминимизча, талабалар педагогик амалиёт вазифаларини амалга оширишда жисмоний тарбия моделини қўллаганда самаралироқ бўлади, унинг мазмунли ташкилий амалий-усулий ҳамда ташхисловчи таркибий қисмлари шуғулланувчиларни жисмоний тарбия соҳасида ўз-ўзини такомиллаштиришга тайёрлаш мақсадини рўёбга чиқаради.

Тадқиқотнинг илмий - амалий аҳамияти: Масалани ҳар томонлама ўрганиш асосида жисмоний маданият факультетлари талабаларини мактабдаги педагогик амалиётга тайёрлаш сифатини кўтаришнинг захира имкониятлари аниқланди. Бу вазифани бажаришга ёрдам берувчи восита ва усуллар тажриба синовларда асосли эканликларини исботладилар.

Олинган тажриба-синов маълумотлар олий ўқув юрти дастурининг ўқув материалларини талабаларнинг педагогик амалиётини ўтишлари учун

олдингига қараганда анча самарали тақсимлаш зарурлиги ҳақидаги масалани қўйиш имконини бермоқда.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Илмий ишда жисмоний маданият факультетининг 4-курс талабалари мактабда педагогик амалиётни ўтишга касбий тайёргарлигини ҳар томонлама таҳлили берилган.

Жисмоний маданият ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида мактабда педагогик амалиётни ўтиш бўйича ўз-ўзини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди. У учта гуруҳдаги амалларни ўз ичига олади. Булар:

- мактабда педагогик амалиётда қўлланилаётган дастур бўйича асосий методик кўрсатмаларни тўғри ишлатиш ҳақидаги маълумотлар ҳам қўшилган ахборотни тўплаш;

- бу ахборотни амалий топшириқлар, параметрлар асосида таҳлил қилиш, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий маҳорат ва кўникмаларини тўғри йўлга қўйишни йўллари ишлаб чиқиш;

- умумтаълим мактаблари учун зарур бўлган юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадларига эришиш ва педагогик амалиёт жараёнида амалиётчиларни ўзини-ўзи такомиллаштириш вазифаларини бажарилишини таъминловчи дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалга ошириш.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши. Диссертация иши кириш қисми, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан ташкил топган. Иш иккита жадвал, 73 номдаги фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтларидан иборат.

I-БОБ. МАСАЛАНИНГ АДАБИЙ МАНБАЛАР БЎЙИЧА

ХОЛАТИ

1.1. Педагогик тажриба – талабаларни жисмоний маданият бўйича касбий-педагогик тайёргарлигининг босқичи сифатида.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ошириш муаммосига кўплаб олимлар ва педагоглар мурожаат қилганлар. Улар олий ўқув юртидаги педагогик жараённинг асосий вазифаси касбий фаолият соҳасида махсус билимлар, тажрибалар ва кўникмалар билан қуролланган мутахассис шахсини шакллантириш бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун олий ўқув юртидаги таълим жараёнида талабаларда касбий-педагогик йўналганликни шакллантириш муаммоси муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Касбий тайёргарликда бош йўналиш қилиб, бўлажак ўқитувчиларни уларга мактабда олиб бориладиган ишларда ёрдам бериш мумкин ва зарур бўлган мустаҳкам, ишончли билимлар билан қуроллантириш вазифаси олдинга сурилмоқда.

Таълимда назарий билим ва амалиёт бир-бири билан боғланган бўлинмас занжирдир. Жисмоний тарбия ва спорт тизимида талабаларга ўқув режаси ва дастурига мувофиқ ташкил этиладиган ва амалиётчининг келажакдаги фаолият объектининг ўзига хослигини акс эттирадиган педагогик амалиётнинг роли каттадир. Яъни педагогик амалиёт ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир, унинг мақсади талабаларни касбий фаолиятда илмий-назарий билимларни ва касбий йўналтирилган фанлар, хусусий услублар ва махсус фанлардан амалий тажриба ва қобилиятларини онгли ва ижодий қўллаш кўникмаларига ўргатишдан иборатдир.

Талабаларнинг педагогик амалиётининг мазмуни унинг йўналишида ўтказилаётган илмий ва ўқув фани, шунингдек, талаба эгаллаётган касб тавсифидан келиб чиқиб белгиланади. Амалиёт мундарижаси қуйидаги вазифаларни кўзда тутди. Булар: ўқитиш жараёнида олинган билимларни

чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, тажрибаларни шакллантириш ва уларни умумтаълим мактабида жисмоний маданият ўқитувчиси фаолиятини реал шароитларида амалий қўллашдир.

Ўқитиш жараёнининг касбий йўналтирилишига асосий талаблар баъзи муаллифлар томонидан аниқ белгиланган. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ҳар қандай фанни ўқитишда йўналишнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш.

2. Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг йўналишларнинг асосий фанлари ўқитувчилари билан ўзаро алоқасини амалга ошириш.

3. Ўқитишда мактаб ўқитувчиларининг иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш.

4. Зарур ҳолларда тавсияларнинг мактаб дастурларининг мазмун жиҳатидан келиб чиқиб мавзуни баён қилиш услуби бўйича ҳам қиёсий тахлилини амалга ошириш.

5. Фанларнинг махсус йўналтирилганлиги.

6. Маҳоратни эгаллаш шароитларида талабаларни фаол мустақил фаолиятга ундаш.

7. Талабаларни илмий-педагогик ишга кенг жалб этиш.

8. Маъруза ўқиладиган фанларнинг паралеллигини бартараф этиш.

Педагогик амалиёт муаммоси мутахассисларни касбий тайёрлашнинг ўзига хос шакли сифатида кўплаб олимлар, педагоглар диққатининг предметиدير.

Адабий манбаларнинг тахлили педагогик амалиёт талабаларни касбий педагогик тайёргарлигини ошириш учун захира имкониятлари бўлган энг қулай босқичи эканлигини кўрсатмоқда. Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг касб эгаси мутахассиси сифатида шаклланиш жараёни яъни, назарий билимларни чуқур ва онгли ўзлаштиришлари, педагогик тажриба ва кўникмаларнинг шаклланиши, ижодий ва касбий қобилиятлари, педагогик фикрлаш каби касбий сифатлари фаоллашади.

О.А.Абдулина фикрича: «Амалиёт талабаларнинг бўлажак фаолиятига максимал яқинлаштирилган шароитларда ўтказилади, амалиёт даври эса амалий фаолият мантиқи бўйича ташкил этилади. Амалиёт давомида бўлажак ўқитувчиларнинг амалий ишини аниқ педагогик фаолиятга оптимал даражада адекват қилиб моделлаштириш зарур».

Бир қатор муаллифлар талабаларга улар ҳам олий ўқув юртида ўқиган пайтларида билимлар, тажриба ва кўникмаларни олишларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак деб ҳисоблайдилар. Уларнинг тайёрлик даражасини аниқловчи биринчи синови педагогик амалиётдир. Муаллифларнинг фикрларига кўра, мустақил ишга тайёргарлик амалиётнинг олийгоҳда қандай ташкил қилинганлиги, унинг ўтиши жараёнида талабаларга қандай талаблар кўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида Р.С.Сафин педагогика олийгоҳларининг битирувчилари ўқитувчига зарур бўлган у ёки бу қобилиятни акс эттирувчи бир қатор тажрибага эга бўлишлари кераклигини таъкидлайди. Улар орасида конструктив (жисмоний тарбия ва спорт воситаларини танлаш ва режалаштира олиш қобилияти), гностик-билим (ўқитувчиларни фаолиятларини таҳлил қила олиш) қобилиятлари энг муҳим деб ҳисоблаган. Ҳозирги замон талабларини ҳисобга олганда педагогик олийгоҳларининг педагогик фаолияти янада мураккаб ва кўп тармоқли бўлиб бормоқда. Масалан, янги ўқув дастурлари, ўқув режалари киритилмоқда, янги фанлар жорий этиляпти, ўқитиш ва тарбиялашнинг шакл ва усуллари ишлаб чиқарилмоқда ва модернизациялаштирилмоқда.

Кўпчилик тадқиқотчилар, педагогик амалиёт масалалари билан шуғулланар эканлар (23, 69, ва бошқалар) ўқитувчини тайёрлашнинг умумий тизимда педагогик фаолиятнинг вазифаларининг кўп турлилигига амал қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Умумпедагогик тайёргарлик таълим вазифаси билан бирга тарбиявий (касбий фикрлашни ривожлантириш, ўқитувчи шахсини шакллантириш),

ривожлантириш (касбий фикрлаш ва педагогик қобилиятларни ривожлантириш); мувофиқлаштириш (фанлараро алоқаларни ўрнатиш) вазифаларини бажаради. Шу билан бир вақтда амалиётнинг ўқитувчи, таълим берувчи ва ташхис қўювчи (педагогик фаолиятига яроқлилигини аниқлаш) вазифаларини ҳам ажратиб кўрсатадилар.

Ўқитувчининг касбий тайёрлашда педагогик амалиётнинг ролини тадқиқ қилган муаллифлар (13, 23, 63, 70) амалиёт таълим берувчи, тарбияловчи ижодий, мажмуавий, фаол ва узлуксиз тавсифига эга бўлиши кераклигини кўрсатадилар.

Айрим муаллифларнинг (63, 69) фикрига кўра, умумтаълим мактабида жисмоний тарбия ва спорт бўйича ишларни олиб бориш тажрибасида ҳозирги замон талабларидан маълум даражада орқада қолиш кузатилмоқда. Бунинг сабабларидан бири, муаллифнинг фикрича, жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фаолиятига бағишланган махсус тадқиқотлар сонининг етарли эмаслигидадир.

М.Я.Виленский (14) касбий йўналтирилганлик талабаларнинг ўқитувчи-тарбиячи касбига педагогик иштиёқ ва қобилият асосида ҳар томонлама қамраб олувчи қизиқишни назарда тутди деб ҳисоблайди. Ўқув дастурининг айрим бобларини чуқурлаштириб ўрганиш учун мўлжалланган услубий ва семинар машғулотларида, шу жумладан, касбий тайргарлик бўйича ўтказиладиган машғулотларида ҳам талабаларга ўқувчиларга жисмоний билим ва кўникмаларни ҳосил қилишларига ёрдам бера бориб, уларнинг максимал даражадаги юқори ижодий мустақиллигини ривожлантириш керак.

Л.В.Волковнинг фикрига кўра, жисмоний тарбия бўйича замонавий мутахассисни яхшилаб тайёрлаш учун ўқув тарбия жараёнини такомиллаштириш, талабанинг ташкилотчилик хусусиятларини шакллантиришга кўпроқ аҳамият бериш, ўқув гуруҳидан энг мақбул ва маънавий рухий иқлимга биринчи даражада диққат қаратиш зарур.

В.В.Голубев (35) тадқиқотлар асосида жисмоний маданият бўйича мутахассис модели асосида унинг бўлажак касбий фаолияти замин бўлиши кераклигини аниқлади. Фаолият модели жисмоний тарбия олийгоҳларида мутахассисларни касбий тайёрлаш жараёнида эътибор қаратиш зарур бўлган энг аҳамиятли тарафларини белгилаш имконини беради.

И.В.Серапегина жисмоний маданият факультетларида талабаларни касбий педагогик тайёрлаш тизимида шаклланган қоидаларни, негизларни жиддий камчиликларга эга, деб ҳисоблайди. Назариянинг асосий қоидаларига сунъий ва жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятининг ҳар бирини «модел педагоги»нинг вазифалари билан солиштириш, замонавий ўқитувчидан бу фаолиятнинг ҳамма асосий ўқув курслари ва фанларининг мазмунини ҳамда шунингдек педагогик амалиёт дастурий мазмунини ишлаб чиқишда мўлжал бўлиши керак бўлган белгиловчи турларини ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Шундай қилиб, халқ таълими масалалари бўйича энг янги қарорларнинг, шунингдек етакчи педагог олимларнинг асарларини тахлили ўқитувчи кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш бизнинг мамлакатимизда давлат аҳамиятидаги масала ва бу масала бундан кейинги илмий тадқиқотлар олиб борилишига муҳтожлиги, ўқитувчиларни тайёрлашнинг кўпгина жиҳатлари халигача етарли даражада ўрганилмаганидан далолат бермоқда.

1.2. Олий жисмоний маданият таълими тизимида талабаларнинг педагогик амалиётининг тузулмаси ва мазмуни

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш ўрта махсус касб хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўрта мактаблари учун жисмоний маданият бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда эса етакчи ўрин педогогика олийгоҳларининг жисмоний маданият факультетларига тегишлидир.

Ушбу масала хар томонлама хозирги жисмоний маданият мутахассисларини тайёрлаш сифати ҳам бизни ташвишлантормасдан колмайди. Кадрларга бўлган талаб мунтазам равишда йилдан-йилга ошиб бормоқда (4).

Жисмоний маданият мутахассислиги касбининг ўзига хос томонлари ва уни уни модернизация қилиш бугунги кунгача ҳамон яхши ўрганилмасдан колмоқда. Бу муҳим муаммога боғланган тадқиқот ишлар санокли холос.

Жисмоний тарбия мутахассисларини жисмоний маданият факультетларида тайёрлашда умумийлик жуда кўп бўлгани учун биз жисмоний тарбия олийгоҳларида бўлганидек, худди шунингдек, жисмоний маданият факультетларида ҳам касбий тайёргарлик масалаларини ёритувчи ишларни кўриб чиқамиз.

Кадрларни тайёрлаш йўналтирилган характерга эга бўлиши учун мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолиятининг мазмуни ва тузулмасини билиш ва талабаларни уларда тегишли билимлар, тажриба ва кўникмаларни шакллантириб, бўлажак аниқ фаолиятларига тайёрлаш керак (32, 33, 48). Жисмоний маданият бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш муаммоси мутахассиснинг «ишлаб чиқариш» фаолияти, асосида ўқув машғулот жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш, яъни спортчининг фаолиятини бошқариш бўйича вазифаларни касбий жиҳатдан юқори савияда саводхонлик билан хал қилинишини таъминловчи типик ишлаб чиқариш амалларини ва ҳаракатларини аниқ билиш ўқитувчи касбий-педагогик мажбуриятларини бажаришга тайёрланганлиги муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир.

Е.П.Кангополовнинг фикрига кўра, умумтаълим мактабида жисмоний тарбия ва спорт бўйича иш олиб бориш амалиётида хозирги замон талабларидан маълум даражада орқада қолиш сезилмоқда. Муаллифнинг фикрига кўра, бунинг сабабларидан бири, жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий фаолиятига ва уни инновацион технологияларига бағишланган махсус тадқиқотлар сонининг етарли эмаслигидадир.

Бир қатор муаллифлар (32, 52) нинг фикрига кўра, жисмоний маданият йўналиши битирувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг муҳим йўлларида бири, уларнинг ташкилотчилик тажрибаларини эгаллашдир. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги ташкилий ишларнинг турли усулларини бажаришга тайёрликка эришишдир.

Олий ўқув юрти - педагогик фаолиятнинг hozirги замон босқичидаги ўзига хос томонлари педагогик кадрларни тайёрлашга маълум бир талабларни шарт қилиб қўядилар. Педагогик фаолият hozirги замон шароитларида тобора ижодий ёндашишни талаб қилиб бомоқда.

Умумпедагогик тайёргарлик вазифаларини муваффақиятли хал қилиш учун назарий билимларни ўзлаштириш билан уларда ўзлаштирилган амалий тажрибаларни шакллантиришнинг ўртасидаги алоқани шакллантириш, ҳаракат усуллари билан бевосита танишиш, ўз фаолиятини тушуниб етиши учун педагогик амалиёт жараёнида назарий билимлардан фойдаланиш зарурдир. Педагогик амалиётнинг мазмуни ўзгача фундаментал ғояларни концепцияларни, педагогик ходисаларнинг қонунлари ва ривожланиш қонуниятларини, етакчи педагогик назарияларни билишни, олган касбий билимлар тизими ташкил қилади. Педагогик амалиётни лойиҳалаштиришда ҳаракат қилувчи асосий шахслар: услубчи - ўқитувчилар амалиётга келган талабалар фаолиятининг ўзига хос томонлари муҳим таркибий қисм ҳисобланади.

Бу жиҳатдан олганда бизнинг асосий эътиборимиз адабиётлардаги маълумотларни ёритишга қаратилди ва бунда ушбу предмет соҳаси ўрганилди. Адабий манбаларни ўрганиш айнан жисмоний тарбия олийгоҳларида педагогик амалиётининг тузулмаси, мазмун турлари, давомийлиги ва бошқа томонларини ўрганишга қизиқиш ниҳоятда ошганлигини кўрсатмоқда.

Ўқитувчининг касбий хусусиятларини шакллантириш жараёнида умумпедагогик тайёргарликни аҳамиятлилиги тайёргарлигини бу иш

узлуксиз тавсифга эга бўладиган, педагогик фанлари мунтазам равишда ўрганилишини ва педагогик амалиётининг талабаларни ўқитишнинг ҳамма йилларида узлуксиз ўтказилишини кўзда тутадиган қилиб тузишни тақазо этади. Узлуксизлик тамойилининг зарурлиги назарий билимларни ўзлаштириш жараёни қонуниятлари ва олий ўқув юртида педагогик амалиёт ташкил қилишни илмий тузулмасининг вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқитувчиларни тайёрлаш тизимида педагогик амалиётга кенг ҳар томонлама ва кўпёқлама ёндошиш тадқиқотларда амалий ифодасини топди (54).

А.М.Куликова (54) педагогик амалиёт жисмоний машқлар дарсининг ахволи ва уни ўтказиш билан чегараланмаслиги кераклигини кўрсатди. Муаллифнинг фикрича, амалиёт педагогик ишнинг ҳамма турларини : иш режасини, машғулот дастурини тузишни, синфдан ташқариш иш (суҳбатлар, саёҳатлар ўтказиш, мусобақалар оилавий спорт тадбирларини ташкил қилиш, спорт секцияларида ишлаш ва ҳоказолар)нинг ҳаммасини қамраб олиши керак. Муаллиф дарсларни унинг педагогик ва соғломлаштириш аҳамияти эмас, балки ҳаркатнинг ўзи етакчи бўлган жисмоний машқларнинг ташқи белгиларига қараб тузишни энг қатъий равишда тугатилиши керак, деб таъкидлайди. Бу хулосаларда иккита муҳим ҳолат кўзга ташланади: биринчидан, талабаларнинг олдида асосий воситанинг ва унинг фаолияти-жисмоний машқнинг тарбиявий-таълимий имкониятларини очишни билиши керак бўлган методист ўқитувчининг роли, иккинчидан эса, талабаларнинг фаолиятининг тузулмаси акс эттирилади.

Ўқув амалиёти талабани назарий ўқиш ва уни мактабдаги бўлажак мустақил иши ўртасидаги боғловчи битим бўлиб, талаба унда жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фаолиятининг унсурлари (элементлари) билан танишувчи ва машқ қилувчи ўқув машғулотининг шаклидан иборатдир. Ўқув амалиёти асосий-касбий педагогик тажриба ва кўникмалар йиғиндисининг шакллантириш, ҳаракат машқларига ўтказиш, жисмоний

сифатларни тарбиялаш, шахсни тарбиялаш усулларининг мажмуасини эгаллашни, жисмоний тарбия жараёнини (ўқув ва дарсдан ташқари шаклларда)ни оқилона тузиш тажрибаларини эгаллашни таъминлайди. Ўқув амалиёти асосан ихтисослашиш материалига таяниб ташкил этилади. У назарий-амалий тайёргарликни, адабиётларни, ҳужжатлар ва ҳоказоларни мақсадли ўрганишни, педагогик ҳаракатларни мақсадга йўналтирилган ҳолда кузатишни, лойихалаштиришни ва фаолиятда синаб кўришни (вазифа қўйиш, уни бажариш воситалари ва усулларини аниқлаш); услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишни, ҳаракатлар натижалари тахлили ва уларни такомиллаштириш йўллари кўзда тутди (8, 13, 34, 41 ва бошқалар).

Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг оёққа туриши, шаклланиши, ўз йўлини аниқлаш жараёни фаоллашади, касбий билим ва тажрибаларга эҳтиёж сезилади.

Билимлардан амалиётга ўтиш автоматик равишда рўй бермайди. Педагогик билимлар, Л.М.Куликова (54) ҳақли равишда кўрсатганидек, амалий ҳаракатлар, амалий вазиятлар тилига кўчирилиши, яъни амалий вазифаларни хал қилиш воситасига айланиши керак».

Билимларни муваффақиятли ишлатиш, биринчидан, аввал ўзлаштирилган, қўйилган амалий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билимлари долзарблаштиришни ва иккинчидан, уларни синтезлаштиришни кўзда тутди.

Долзарблаштиришни фақат назарий масалаларни талабаларнинг ўзларининг мустақил шахсий тажрибаларига таяниб муҳокама қилаётган пайтидагина бажариш мумкин.

Муаллифнинг (63) фикрига кўра, шаклланган ва у қўлланганида мутахассислар «ўқувчилар» ва «ўқитувчилар»га бўлинадиган «талаба» - «талаба» модели ўқитувчининг ҳаракатларини нега айнан шундай, аммо бошқача эмас шаклида, етарли даражада тушуниб олмай механик тарзда кўчириш такрорлаш имконини беради.

Бир қатор муаллифлар (21, 44, 63, 69 ва бошқалар) ўқув амалиётида билимларни ва методик маҳоратни (тажрибани) ўқув топшириқлари (фаолиятнинг предмет контексти) тизими орқали касбий педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларига ўтказишни тавсия этадилар. Бунда бутун фаолият жамоавий, гуруҳлар жуфтларда амалга оширилади. Талабалар ҳам мураббий ўқитувчи ролида чиқадилар, ҳам ўз ҳаракатлари, билимлари, касб маҳорати ва кўникмаларини жамоавий баҳолайдилар.

Шундай қилиб, мураббий-муаллим ўқитувчи фаолиятини бажариши учун зарур бўлган қайта тикланувчи кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда кейинги, талабаларда ўқитишни бошқаришга ёрдам берувчи тажрибаларнинг ишлаб чиқилишининг кўзда тутган навбатдаги босқичи ҳам таъминланиши керак. Буни табиий (моделлаштирилмаган) шароитларида махсус равишда амалий ташкил қилмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Жисмоний маданият бўйича мутахассисларни тайёрлашда педагогик амалиётнинг ташкил этиш тажрибасининг солиштирма таҳлили (63) амалиёт турларини бошқа асосларга кўра ҳам дифференциялаш имконини беради. Масалан, ўқув амалиёти ихтисослашиш фанлари йўналишидагина эмас, ўқув амалиёти хусусий фаоллар йўналишида ҳам бўлиши мумкин.

Ўқув амалиёти бевосита педагогик ва устувор – таништирувчи амалиётга бўлиниши мумкин. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уларнинг бўлиниши кўпинча шартли хусусиятга эга бўлади.

Ўқув амалиётининг биринчи тури аниқ ифодаланган педагогик хусусиятга эга ва талабаларнинг педагогик жараёнда бевосита иштирокида амалга оширилади.

А.И.Селезневнинг ишида узлуксиз педагогик амалиёт топшириқларнинг бир босқичдан иккинчисига ўтишини кўзда тутиши таъкидланади. Амалга оширишнинг муваффақияти ҳар бир босқичдаги вазифанинг бажарилиш самарасига боғлиқдир.

Бир бутун қилиб олганда, деб кўрсатади муаллиф, тайёргарликнинг

барча босқичининг ҳаммасида амалиётнинг натижаси биринчи навбатда касбий-педагогик тажриба ва маҳоратнинг амалиётнинг босқичлари бўйлаб мерос бўлиб ўтиши ва шаклланишининг изчиллигига боғлиқдир. Муаллиф талаба мумкин қадар кўпроқ дарс бериши ва ўқув машқ машғулотларини ўтказиши керак деган фикрнинг хато саналишини таъкидлайди.

Амалиётнинг вазифаси, шунингдек, талабаларнинг тарбиявий, илмий тадқиқий фаолиятнинг бошқа турлари бўйича педагогик кўникмалар ва тажрибаларни эгаллай олиш қобилиятларига ҳам келтирилади.

Ўқув амалиёти талабаларнинг:

- танлов тизимини кузатиш ва ўрганиш;
- касбий техник кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;
- ҳар бир босқич учун умумий тайёргарлик ва касбий педагогик маҳоратларнинг ёзувини олиб бориш;
- касбий йўналтиришнинг шаклланиши учун топшириқлар тизимини юритиш бўйича тажрибаларни эгаллашларини кўзда тутади. (23,24).

Жисмоний маданият бўйича мутахассисларни касбий фаолияти бор моҳияти билан, бундан келиб чиқувчи ижтимоий вазифалари, рухий ўзига хослиги ва педагог шахсига қўйиладиган талаблари билан педагогик фаолиятдир (44).

В.М.Корецкийнинг (52) фикрига кўра, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимидаги такомиллаштириш асосида учта бош муаммо ётади. Булар:

- аниқ (конкрет) мутахассислар (фаолият модели) бўйича касбий фаолият тузулмасининг мазмунини тадқиқ қилиш;
- ўқув режалари ва дастурлари (махсус маълумот модели)даги касбий тайёргарликни тадқиқ қилиш;
- касбий тайёргарлик «технология»сини жисмоний маданият факультети доираси (тайёрлаш модели)да тадқиқ қилишдир.

Жисмоний маданият факультетининг кўп тадқиқотчиларининг

эйтиборини талабларини бўлажак касб фаолиятининг асосий йўналишлари билан топширишга мўлжалловчи ўқув амалиётининг ташкил этилиши ва тузилмаси ҳаммадан кўпроқ жалб этмоқда (54, 63). Таништириш хусусияти устунроқ бўлишига қарамай, бундай ҳолат кўпроқ хусусиятга эга ва талабалар томонидан турли хилдаги аниқ топшириқларнинг бажарилишини кўзда тутди. Булар:

- машғулот ўтказиладиган, ускуна ва анжомларни тайёрлаш, уларга қараш ва таъмирлаш;

- техниканинг ташқи деталларни бажариш тажрибаси ва кўникмаларини ҳосил қилиш;

- машғулотда қатнашаётганларни турли машқлар ва техника усулларини бажаришда йўл кўяётган хатоларини аниқлаш ва бартараф этиш;

- турли машқлар, техника усуллари, мусобақа ҳаракатларини намунали намойиш қилиш ва тушунтириб бериш;

- машғулотларнинг алоҳида қисмларини ва турли мавзулар бўйича машғулотларни яхлит ўтказиш;

Спорт байрамлари, мусобақалар, намойиш машқлари ва бошқа оммавий мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- машқ юкламаларини махсус рўйхатга олиш ва таҳлил қилиш, уларни оптималлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- жисмоний тайёргарликнинг турли томонларини тестдан ўтказиш;

- спорт техникасини фото, кино ва видеотасвирга олиш, олинган материаллардан турли хилдаги кўрғазмали қуроллар тайёрлаш ва улардан машғулотларда фойдаланиш.

Билиш, ўрганиш фаолиятини самарали бошқариш талабаларнинг касбий тайёргарлиги натижаларини ҳисобга олишни кўзда тутди. Ўқув амалиётини мазмунининг мосланувчан тузулмасининг мисоли О.Л.Шабалина ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўрсатилган. Унда талабалар эгаллаши лозим бўлган касбий педагогик кўникмалар ва тажрибалар рўйхати

семестрлар ва ўқув йиллари бўйича ишлаб чиқилган ва бу кўникмаларни ҳосил қилишга ўқитиш ва уни назорат қилишнинг аниқ тизими режалаштирилган.

Биринчи йили талабалар буйруқлар бериш, тайёргарлик қисмини айрим машқларни ўтказиш, дарснинг қисмларини (ўқитувчининг дарс баёни бўйича) ўтказиш каби касбий тажриба, спорт атамалари бўйича билимларни ўрганадилар ва такомиллаштирадилар.

Олий ўқув юртида ўқишнинг иккинчи йили давомида талабалар 1-курсда олган билимлари, малака ва кўникмаларини такомиллаштирадилар, дарснинг баёнини дарснинг типига қараб (дарснинг вазифаларига мувофиқ) тузиш бўйича кўникмалар ҳосил қиладилар, уларни ўтказиш учун зарур воситаларни қўлга киритадилар, услубларни ўрганадилар ва машғулотларни ўз дарс баёнлари бўйича ўтказадилар. Бунда ўқитувчилар талабаларнинг ўзлари ўтган дарслари каби ўқиш бўйича бир-бирини ўтказган дарсларини ҳам таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилишларига алоҳида аҳамият берадилар.

Шундай қилиб ихтисослашиш курсидаги ўқув амалиётининг мантиқий давоми умумтаълим мактабидаги амалиётидир. «Мактаб амалиёти» олдида қўйиладиган вазифалар, тартибга солинган мактаб ўқув-тарбия жараёни шароитларида шаклландиган тажриба ва кўникмалар бошқа ҳеч қандай шароитларда шаклланиши мумкин эмас, шунинг учун «мактаб амалиёти»га базавий умумпедагогик амалиёт сифатида қараш керак.

Педагогик амалиётнинг мақсади – мактаб ёшидаги болалар билан ўқув тарбия ва синфдан ташқари ишни ташкил қилиш ва ўтказиш тажрибасини сингдиришдир.

Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган педагогик амалиётнинг мақсадларидан келиб чиқиб, бу ерда қуйидаги вазифалар хал қилинади (5,24):

- талабаларда педагогик касбига муҳаббатни тарбиялаш;

- назарий билимларни мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва бойитиш, конкрет педагогик вазифаларини хал қилишда уларни кўллаш;

- жисмоний тарбия бўйича муаллимларнинг касбий фаолиятлари тажрибалари ва кўникмаларини ҳамда шахснинг касбий аҳамиятга молик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- касбий маълумотга эга бўлган талабни тарбиялаш;

- талабаларда илмий тадқиқот ишларига қизиқишни ривожлантириш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тадқиқотларни олиб бориш, жисмоний тарбия жараёнида ўқитиш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларини излаш кўникмаларини шакллантириш.

Ушбу диссертация гувоҳлик берганидек, педагогик амалиёт бўйича хужжатлар ва кузатувчилар шуни кўрсатаптики, кўпчилик холларда талабалар самарадор ишни кам бажарадилар, кўплаб тадбирлар расмиятчилик учун бажарилади, ўқув топшириқлари ўзларида фаолиятнинг предмет ва ижтимоий контекстини ёрқин ифодалайдилар (69).

Вақтнинг 40-43 фоизига яқини педагогик амалиёт бўйича юритиладиган журнални тўлдиришга ва дарсларнинг баёнини расмийлаштиришга сарфланади. ўртача ҳисоблаганда ҳар бир талаба 3-4 дарсни мустақил, 6-7 дарсни ўқитувчини ёрдамчиси сифатида, 2-3 дарсни машғулотларнинг қайсидир қисмини ўтади. Мактабда ўтказиладиган педагогик амалиёт фаолият касбий маҳоратнинг умумий базасига асос солишга даъват этилганлигига қарамай, услубчининг роли (тўғрироғи-вазифаси) – амалиётга келган талабага ижодий хусусиятларини ўз спорт тури орқали кўрсатишга шароитларни яратиб беришга уринишдир.

3-курс талабаларининг мактабдаги педагогик амалиёт даврида касбий фаолиятнинг замонавий даражасига чиқишларига имкон берувчи ёндошувлардан бири, бир қатор тадқиқотчилар кўрсатганларидек контекстли ўқитишдир. (23, 63, 70). У шундай ўқитиш кучини таъминлайдики, унда талаба шахсий фаол позицияни эгаллайди бу эса муаллим ва ўқитувчилар

билан ҳамкорликда ўқитиш билиш фаолиятининг субъекти сифатида максимал очилиши мумкин, бунинг устига ўқув фаолияти унинг бўлажак касбий фаолияти негизига туширилади.

Ўқитиш амалиётининг мақсади – ташкилий - педагогик вазифаларни бўлажак касбга мувофиқ равишда ижодий ҳал қилиш тажрибаларини шакллантиришдир. Амалиётга келган талабалар мураббий-муаллимнинг, жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий меҳнатининг реал муаммолари доирасига кирадилар, унинг ишининг ҳажми ва реал мазмуни билан танишадилар, бўлажак ишларининг касбий маҳорати бўйича фаолиятнинг ҳамма асосий турларига қўшиладилар.

Бу амалиёт, жисмоний маданият йўналишидаги ўқув жараёни доирасида касбий тайёргарлигини яқунлар экан қуйидаги вазифаларни бажарилишини таъминлайди:

- мутахассиснинг танланган касб бўйича фаолиятнинг касбий жиҳатдан аҳамияти турларини (фаолиятини ўқув тарбиявий жараёни бошқаришнинг касбий-педагогик вазифаларининг бутун мажмуасини ҳал қилиш имконини берувчи умумпедагогик ўзига хос турларини) шакллантириш;

- педагогик маҳорат асосларини шакллантириш;

- битирувчиларнинг олийгоҳни тугатганларидан сўнг касбий-педагогик фаолиятининг реал шароитларига муваффақиятли мослашувлари учун асослар яратиш.

Бўлажак мутахассиснинг узлуксиз педагогик амалиёт жараёнида касбий жиҳатдан шаклланишини, юқорида таъкидлаганидек, босқичма-босқич рўй беради, бунда ҳар бир босқич охирида талаба касбий-амалий тайёргарликнинг янги сифат даражасига эришиши керак (23).

Талабаларни олий жисмоний тарбия ўқув юртларида узлуксиз касбий-амалий тайёрлашни лойиҳалаштириш масалалари ёритилган мақолалар жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассиснинг сиймосини биринчи курс талабаларидан олий ўқув юртининг битирувчиси томон ҳаракатида

шакллантириш бўйича фаолиятли асос тузиш учун асосан имкон берадилар.

Битирувчи курсдаги амалиёт талабаларни касбий тайёрлашни яқунловчи бўғини (босқичи)дир ва мустақилликнинг ва маъсулиятнинг юқори даражаси, шунинг ҳажмини кенгайтириши ва мазмунини мураккаблиги билан тавсифланади. Талаба бўлажак касбини йўналишига қараб умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчисининг фаолияти тизимини эгаллайди.

Талабаларни касбий педагогик фаолиятига интеграл тайёрлашнинг истиқболли тизимининг умумлаштирилган модели икки жиҳат мантиқи бўйича яратилади. Булар:

- «абстракт (мавҳум) назариядан конкрет амалиётга» кўтарилиши;
- «касбий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш» жиҳатлари.

Баён қилинганлардан шу нарса аниқки, талабаларнинг олигоҳдаги амалиётларини ўқув фаолиятининг зарур бўлган амалий билимлар, тажриба ва кўникмаларни реал ишлаб чиқариш шароитларида мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратилган алоҳида шаклдаги қонуний ва мантиқий давоми деб ҳисоблаш мумкин.

Жисмоний тарбия – педагогик таълим тизимида амалиётнинг ҳамма турларига сарфланадиган вақт ҳақидаги кўп сонли адабий манбаларнинг таҳлили қуйидагиларни аниқлашга имкон беради.

В.Т.Чичикиннинг фикрига кўра, жисмоний тарбия педагогик таълим тизимида амалиётга сарфланадиган вақтнинг катталиги ўқув вақти ресурсининг 20 фоизидан камини ташкил этиши ҳақида таъкидланган фақат касбий тайёргарлик сифатини таъминлашда етарли эмас.

Бу маълумотларни ва амалиётнинг талабаларнинг ўқишга муносабатларига таъсирининг таҳлилинини солиштириш унинг (амалиётининг ҳажмини механик равишда ошириш эмас, балки амалиётни мутахассисларни келажагини кўра билиш олдиндан тайёрлашга мўлжал олдирилган қилиб ташкил қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу, кўпчилик муаллифларнинг

фикрига кўра, талабалар амалиётни ўтишадиган умумтаълим мактабларида, БЎСМларидаги иш услубияти шундаки, оддийгина режалаштиришни эмас, балки талабаларнинг касбий тайёрланиши фаннинг энг яхши ютуқларини ва илғор педагогик тажриба, яъни ўқитишни илғор услубияти ўқув жараёнини услубий-биологик таъминлашни қўллаш даражаси билан мос келиши, қўшилишини кўзда тутди.

1.3. Жисмоний маданият ўқитувчиларини касбий-педагогик тайёргарлигининг етарли даражада юқори эмаслигини айрим сабаблари

В.П.Белик (38) жисмоний маданият факультети касбий тайёргарлигини яхшилаш масаласини волейбол мисолида тадқиқ қилди. Ушбу тадқиқотда шубҳасиз қимматли маълумотлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, муаллиф касбий педагогик тажрибалар ва кўникмаларнинг шаклланиш босқичларини белгилар экан, у ёки бу босқичда қўйилган вазифаларнинг бажарилишида қўлланилган усуллар ва услубларни конкретлаштирмайди.

С.Ю.Балбенко (15) нинг иши жисмоний тарбий ўқитувчиси шахсини ва уни шаклланиш шароитларини тадқиқ қилишнинг мураккаб муаммосига бағишланган. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва ваколатли шахслар ўртасида сўров ўтказиш асосида у табиий илмий асосда тайёрлашнинг аҳамиятини таъкидлайди ва унга мазмун жиҳатдан қўйиладиган талабаларни белгилайди. Муаллиф фикрича, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасининг бўш томони уларнинг педагогик ва услубий тайёргарлиги эканлигини кўрсатади. Бунда жуда муҳим факт қайд қилиниб, айтиладики, жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашнинг мавжуд тизимида касбий тайёргарлик даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар бўлишига қарамай сўнгги йилларда у кўтарилмаяпти ва талабаларнинг анча қисми бунинг аҳамиятининг нақадар катта ва чуқурлигини англаб етмаяпти.

Кўп муаллифлар даврий матбуот саҳифаларида ўқитувчиларни тайёрлашда касбий йўналтирилганлигини етарли даражада ифодаланмаганлигини кўрсатмоқдалар (15, ва бошқалар). Уларнинг кўпчилиги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг етарли даражада юқори касбий-педагогик тайёргарликка эга эмасликларининг бош сабабини жисмоний маданият факультетларидаги педагогик жараённинг ҳаддан ташқари ифодаланган спорт йўналишига эга эканлигидан кўрмоқдалар. Жисмоний маданият факультетлари тўлақонли жисмоний тарбия ўқитувчисини – спортнинг турларидан бири бўйича мураббийни эмас кенг камровдаги ўқитувчини тайёрлашлари керак.

Гимнастика бўйича жисмоний тарбия мутахассисларини тайёрлашни ёритувчи бир қатор ишлар (65 ва бошқалар) мавжуд. Жисмоний тарбия бўйича мутахассисларни тайёрлашда гимнастика бўйича дастлабки ишлардан бири Л.К.Антонов (8)нинг диссертация ишидир.

Л.К.Антонов (8) жисмоний тарбия олийгоҳлари талабаларининг гимнастика бўлими бўйича касбий педагогик тажриба кўникамаларининг ҳажми ва шаклланишини изчиллигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Талабалар ўтиш даврида эгаллаши лозим бўлган тажрибалар ва кўникмаларнинг ҳаммасини у амалиётга келган талабанинг диққатини тақсимлаш тамойили бўйича икки гуруҳга бўлади.

Тажриба ва кўникмаларнинг биринчи гуруҳига Л.К.Антонов (8) машқнинг номини атай билиш, кўрсата олиш, буйруқ ва фармойишларни тўғри бера билиш ва бошқаларни, яъни ўз ҳаракатларга асосий эътиборни талаб қилувчи билим ва кўникмаларни киритади.

Иккинчи гуруҳ ўз ичига машқни бажариш давомида кўрсатмалар бериш, хатоларни пайқаш ва тузатишни билиш ва бошқалар каби тақсимланган эътиборни талаб қилувчи юқорироқ даражадаги малака ва кўникмаларни олади. Л.К.Антонов (8)нинг ишининг камчилиги шундаки, унда ҳамма ҳолатлар доим у ёки бу вазифанинг бажаришнинг конкрет

узуллари ни баён қилмайди.

А.И.Селезнев касбий билиш, тажриба ва кўникмаларни гуруҳларга бўлади. Бунда у техника ва услубиятга, атамалар ва хавфсизликка бир вақтда ўргатиш юзасидан танқидий мулоҳазаларни айтиб ўтган. Амалий ва услубий машғулотлари ўртасидаги фарқ йўқолади, ўқитишнинг у ёки бу даври учун хос бўлган етакчи вазифаларни хал қилишга халақит беради. Ҳар бир машғулотда маълум бир етакчи топшириқ бўлиши ҳақиқатан амалиётда бор усул. бироқ муаллиф (31) кўрсатганидек, педагогик жараён яхлит ходисадир ва талабаларни унга ўргатганда бу жараёни бўлиш мумкин эмас. Айрим билим ва кўникмаларни уларни бир хил билим ва кўникмаларни ўзлаштиришдан бошқасига ўта бериб, маълум бир кетма-кетликда ўзлаштиришни кўзда тутуди.

Иш тажрибаси ва синов тадқиқотлари (13, 21) жисмоний машқлар техникасини ўрганиш жараёнида ҳаракат ва педагогик кўникмаларининг бир вақтда шакллантиришининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Худди шундай нуқтаи назарга биз ҳам ўз ишимизда амал қилдик.

А.Д.Тиселько (67)нинг илмий ишида маълум бир ўқув машқларини ишлаб чиқиш воситасида жисмоний маданият факультетлари талабаларида ҳаракат кўникмаларига ўргатишда сўздан фойдаланиш тажрибасини шакллантириш тизимини беришга ҳаракат қилган. Жисмоний маданият факультети профессор-ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш асосида А.Д.Тиселько (67) жисмоний маданият факультетларини битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасини кўтариш ишида спорт-педагогика фанларининг амалий машғулотларининг услуби йўнлаштирилганлигини кучайтириш биринчи даражадаги муҳим вазифа эканлиги ҳақидаги хулосага келади. Муаллиф таъкидлаганидек, синов талаби сифатида маълум бир спорт-технологик меъёрни бажариш белгиланганлиги дарсининг машғулот шаклини белгиланган мақсадга эришишда хал қилувчи шакл сифатида танлашга мажбур қилади.

Юқорида номлари келтирилган ишлардан ташқари матбуотда жисмоний маданият факультетларининг гимнастика бўйича битирувчиларининг касбий жиҳатдан қониқарсиз тайёргарликка эга эканликлари тўғрисида бир қатор фикрлар айтилган (65). Бу ходисанинг кўплаб сабаблари кўрсатилади. Уларнинг асосийлари деб қуйидагилар қайд этилган:

- ўқитиш услубининг номукамаллиги;
- педагогик жараёнда фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан етарли даражада фойдаланилмаслик;
- юқорироқ касбий даражадаги материалларнинг зарурлиги.

Гимнастика бўйича дастурий материални ўзлаштириш муваффақиятига ўрганилаётган машқларни изчиллигининг қандай режалаштирилгани ҳам сезиларли даражада таъсир қилади. Кўплаб илмий ва услубий ишларнинг муаллифлари ушбу масалани тадқиқ қилиб, ўрганилаётган ҳар бир ялпи ҳаракат олдин ўзлаштирилганининг мантиқий давоми бўлган ҳоллардагина ўқув материални ўрганишда кўпроқ самарага эришиши ҳақидаги хулосага келдилар.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлашга қўйилаётган замонавий талаблар шароитида ўқитиш жараёнини такомиллаштиришининг вазифаси ўқитишнинг янги воситалари ва усулларини излашдан иборатдир. Жисмоний тарбияда анъанавий услубият бўйича ўқитиш эса кўпчилик ҳолларда «синов ва хатолар» усулида олиб борилмоқда. Бу эса керакли самарани бермаяпти.

Жисмоний тарбия соҳасидаги олимларнинг катта гуруҳи ўқитишда янги педагогик технологияларнинг камлиги ва инновацион технологияларнинг йўқлиги ўқув жараёнини бошқаришни энг паст даражага туширади деб ҳисоблайди.

Биз танлаган мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш давлат

аҳамиятидаги ишлардан биридир.

2. Жисмоний маданият ўқитувчиларини тайёрлаш тизимида жиддий камчиликлар мавжуд. Касбий тайёргарлик масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади.

3. Мутахассисларни касбий педагогик тайргарлигини модернизация қилиш давр талаби ҳисобланади.

Жисмоний тарбия мутахассисларини, шу жумладан, жисмоний маданият факультетларида жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш масалаларига бағишлаган ишларини ўрганиш кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва уни модернизация қилиш масалаларига биринчи даражада аҳамият берилаётганлиги ҳақида гувоҳлик бермоқда. Шу билан бир вақтнинг ўзида жисмоний тарбия таълими тизимидаги педагогик амалиётнинг тузулмаси ва мазмунини модернизация масаласи мутлақо ўрганилган эмас.

II БОБ ТАДҚИҚОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, УСЛУБЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

2.1. Тадқиқотнинг вазифалари

1. Жисмоний маданият йўналиши талабаларининг умумтаълим мактабида педагогик амалиётдан ўтишга техник ва услубий тайёрланганлигининг даражасини аниқлаш;

2. Талабаларда умумтаълим мактабларда педагогик амалиётни ўтиш учун зарур бўлган ўз-ўзини такомиллаштиришда касбий-педагогик билим, тажриба ва кўникмаларни шакллантириш динамикасини аниқлаш;

3. Жисмоний тарбия таълими тизимида ўтказиладиган педагогик амалиётнинг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштиришга йўналтирилган инновацион восита ва усулларни ишлаб чиқиш ва тажриба-синовлар воситасида асослаш.

2.2. Тадқиқот услублари

Қўйилган вазифаларни хал қилиш учун қуйидаги тадқиқот услубларидан фойдаланилди:

1. Илмий-услубий адабиётларнинг маълумотларни назорат таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

2. Талабаларнинг мактабда педагогик амалиётни ўтишда касбий-педагогик тайёргарлигини анкеталаштириш ёрдамида таҳлил қилиш.

3. Талабаларнинг ўзлари жисмоний тарбия бўйича олган амалий билим ва кўникмаларини ўзлари сўров карточкалари ёрдамида таҳлил қилишлари.

4. Жисмоний маданият факультетининг 4-курс талабаларининг умумтаълим мактабларида педагогик амалиётдан ўтишга тайёргарлиги устидан педагогик кузатувлар.

5. Жисмоний маданият факультети 4-курс талабаларининг умумтаълим мактабидаги педагогик амалиётда кўрсатган касбий-педагогик билимлари, тажриба ва кўникмаларининг видеоёзуви ва таҳлили.

6. Қўмондонлик овозини эгаллаш ва нутқни ривожлантириш учун диктафон.
7. Педагогик синов (эксперимент).
8. Тадқиқот натижаларининг математик-статистик тахлили.

2.2.1. Адабиёт манбалардаги маълумотларни назарий тахлил қилиш ва умумлаштириш

Ушбу усул диссертациянинг ҳамма вазифаларини хал қилиш учун универсал ҳисобланади, тадқиқотни вазифалари қўйилаётганда ва олинган натижалар муҳокама қилинаётганда ушбу усул асосийларидан бири эди. Мазкур усул мақсадни қўйишга ёрдам берди, тадқиқотларнинг ишчи гипотезасини ифодалашга ва айрим назарий хулосаларни асослашга ёрдам берди.

2.2.2. Талабаларнинг жисмоний тарбия бўйича амалий билимларини анкеталаштириш ёрдамида ўзлари ўз амалиёт натижаларини тахлил қилишлари

Тадқиқ қилинаётган масаланинг ҳолати билан танишиш мақсадида амалиётда жисмоний маданият факультетининг кундузги бўлимининг 115 нафар талабаси ўртасида сўровнома ўтказилди. Ушбу усул тадқиқ қилинаётган масаланинг долзарблигининг даражасини аниқлашга ёрдам бергани учун энг қулай ва мақсадга мувофиқдир. Сўровномага талабаларнинг умумтаълим ўрта мактабда педагогик амалиётни ўтишга тайёргарлиги даражасини аниқлаш бўйича саволлар киритилган эди.

2.2.3. Педагогик кузатувлар

Юкламаларнинг катталигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар рўйхатга олинганди: юкламанинг катталиги, ихтисослашганлик,

йўналтирилганлик ҳар бир машғулотда юкламанинг умумий ҳажми махсус ва махсус бўлмаган юкламаларнинг хусусий ҳажмлари баҳоланарди.

2.2.4. Видеоёзув ва таҳлил

Талабалар ўзлари яшаш жойида ўтаётган педагогик амалиёт даврида услубий машғулот сифатида битта дарсни видеотасмага ёзиб олади. Ушбу видео ёзув амалиётчи талабалар ўртасида амалий фаолиятнинг ҳам турли қисмлари кўрсатиб берилди, бу эса ўз навбатида мактабда педагогик амалиётни ўтиш учун зарур бўлган касбий-педагогик билимлар ва кўникмалар даражасининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2.2.5. Педагогик тажриба (эксперимент)

Тадқиқотлар уч босқичда ўтказилади.

I босқич - тадқиқот муаммосини замонавий ҳолатини баҳолаш учун махсус илмий-услубий адабиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш; тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ваниқлаш, гипотезани шакллантириш, шунингдек тадқиқот усуллари синаб кўриш; анкеталаштириш ёрдамида илғор амалий тажрибани умумлаштириш; тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш;

II босқич – 4-курс талабаларининг педагогик амалиётдан ўтишга тайёргарлиги устидан педагогик кузатувлар ўтказиш. Педагогик кузатувларнинг натижасига жисмоний маданият таълими тизимида педагогик амалиётнинг тузилмаси ва мазмунини модернизациялашда инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва ўқув педагогик жараёнига жорий этиш.

III босқич – жисмоний тарбия таълими тизимида педагогик амалиётнинг тузилмаси ва мазмунини модернизациялаш бўйича ишлаб чиқилган дастурни тажрибалар орқали асослаш; ўқитувчилар, талабалар ва мактабларнинг ўқитувчилари учун услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

2.2.6. Математик-статистик таҳлил

Математик статистиканинг махсус адабиётларда баён қилинган умумий қабул қилинган усуллари қўлланилди (30,31, 35, 45, 47, 53, 56, 57)

Ўртача арифметик қиймат (x), ўртача квадратик оғиш (b) ҳисоб-китоб қилинди. Ҳамма ҳисоб-китоблар «Windows Excel» компьютер дастуридан фойдаланиб бажарилди.

Педагогик тажриба давомида машқ жараёни ишлаб чиқилган дастурга асосан амалга оширилди. Педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказишнинг батафсил баёни III бобда тақдим этилган.

**III БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ БЎЙИЧА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА
КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**3.1. Анекталаштириш-жисмоний маданият факультети
талабаларининг педагогик амалиётга касбий тайёргарлигини тадқиқ
қилиш усули сифатида**

Педагогик амалиёт бу жисмоний тарбия бўйича мутахассиларни касбий тайёрлаш тизимининг таркибий қисмидир. У назарий ўқитиш ва мустақил амалий фаолият ўртасидаги боғловчи халқа бўлиб, бўлажак мутахассислар учун зарур тажрибани эгаллашга ёрдам беради. Биз жисмоний тарбия олийгоҳи талабаларининг педагогик амалиётга тайёргарликлари даражасини сўровнома ёрдамида аниқлашга уриниб кўрдик. Ушбу усул талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги маълум бир муаммолар (камчиликлар)ни аниқлашга ёрдам берди. Шундай, қилиб тадқиқотнинг мақсади 4-курс талабаларининг педагогик амалиётдан ўтишга тайёргарлиги даражасининг ҳолатини анкета усули ёрдамида аниқлашдан иборат эди.

Сўровнома УрДУ Жисмоний маданият факультети битказувчи амалиётчи-талабалари ўртасида ўтказилди. Анкета тузилаётганида анкета тузишнинг илмий ишларда батафсил баён килинган услубий ва методологик тамойилларидан фойдаланилди. У ўз ичига турли хил саволларни олган.

а) шакл бўйича (тўғридан-тўғри ва бевосита саволлар). Жавоблари очик, ёпиқ, ярим ёпиқ саволлар, тузоқ саволлар:

б) вазифаси бўйича (назорат саволлари, филтрловчи-сараловчи саволлар);

в) мазмуни бўйича (мотив–сабаблар ҳақидаги саволлар, фактлар ҳақидаги саволлар, демографик саволлар ва ҳоказолар) дир.

Анкетага 24 та савол, шунингдек демографик қисм киритилган бўлиб, олинган маълумотларни ҳар хил томондан таҳлил қилиш мумкин бўлиши учун уни талаба- ёшларни, спорт турларини, спорт малакаларини кўрсатар эдилар.

Қўйилган мақсадга эришиш учун энг қулай ва мақсадга мувофиқи ижтимоий усул - анкеталаштириш бўлиб чиқди. Чунки у, масалаларнинг анча кенг доирасини кўриб чиқиш, катта миқдордаги иштирокчиларни қамраб олиш имконини беради. Қолган бошқа усуллар каби анкеталаштириш ҳам айрим камчиликлардан холи эмас, аммо шунга қарамай биз педагогик амалиёт соҳасида биз тадқиқ қилаётган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берувчи зарур маълумотларни олишга муваффақ бўлдик.

Анкета сўрови натижалари шунини кўрсатадики, 100 фоиз талабалар ўзлари педагогик амалиётда зарур бўлган билимлар, тажриба ва кўникмаларга эга деб ҳисоблайдилар. “Сиз ўзингизни педагогик амалиётдан ўтиш учун билим, маҳорат, малака ва кўникмаларингиз етарли деб ҳисоблайсизми?”,-деган саволга сўровномада қатнашганларнинг сезиларли қисми 95 % (фоизи) “Ҳа”, деб жавоб беришган. 5% (фоиз) талабалар эса “Йўқ”, деб жавоб беришган.

Анкетанинг “Педагогик фаолиятнинг қайси томони сизни ўзига жалб этади?”,- деган саволга касбга муҳаббат 72% (фоиз), қулай кун тартиби 6 % (фоиз), ижодий ҳар хиллик 16% (фоиз) ва 6% (фоизи) эса меъёрланган иш куни, деб жавоб беришган.

“Сиз танлаган касбингизни севасизми”, деган- саволига олинган жавобларни кўриб чиқайлик. Сўровда қатнашганларнинг 71% (фоизи) жуда яхши кўраман, деб жавоб беришган, 29% (фоиз) респондентлар яхши кўраман деб кўрсатдилар.

Кейин ушбу мавзунини аниқлаштириб савол берамиз: баъзи педагоглар яхши мутахассис бўлиши учун назарий машғулотларни икки марта қисқартириш ва амалий машғулотларни кўпайтириш лозим, деб

ҳисоблайдилар. Сиз қандай бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз ?. Бу ерда фикрлар ҳар хил бўлиб чиқди: 33% (фоиз) респондентлар – назарий, албатта керак деб кўрсатдилар, 35% (фоиз) амалий, албатта, керак деб кўрсатдилар, 32% (фоиз) амалий тенг бориши керак деб ўз фикрларини ёзиб қўйишган.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси қандай бўлиши керак масаласида қизиқиб кўрдик сўровда қатнашганлардан 32% (фоизи) яхши назарий билимларга эга бўлиши, 29% (фоизи) спорт турлари бўйича мусобақалар қоидаларини билиши керак, 22% (фоизи) режалаштириш ҳужжатларини билиши керак, 19% (фоиз) комондонлик овозини яхши эгаллаган бўлиши керак, деб жавоб қайтардилар. 20% (фоиз) респондентлар бошқа фикрга эгадирлар, улар ўқитувчи юқорида санаб ўтилган бандлардан барча хусусиятларга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайдилар (афсуски, улар кўпчиликни ташкил этмайдилар).

Шунингдек, “Сизнингча жисмоний маданият ўқитувчиси машқларнинг қайси турларини бажаришни ўзи билиши керак?” саволига 53 % УРМ, 18 % жиҳозларда (снарядлар) бажариладиган машғулотларни, 29 % ҳамма машқларни билиши керак деб жавоб беришган.

“Сиз амалиётда кўргазмали қуроллар, қўлланмалар, ўқитишнинг техник воситалардан фойдаланасизми?”,- деган саволга жавоблар қуйидагича бўлди. 100% талабалар ҳа фойдаланаман, деб жавоб беришди.

Ўз анкетамизда биз саволларнинг турли вариантини, шу жумладан, тузоқ –саволларни ҳам ишлатдик. Респондентларнинг 40% (фоизи) мавжуд бўлмаган илмий асар билан таниш эканликлари ҳақида маълумотлар тақдим этиб, тузоққа тушдилар. Талабаларнинг 60% (фоизи) ушбу саволга объектив жавоб қайтардилар.

Сиз таниқли педагог В.О Чаровниковнинг “Жисмоний тарбия олий ўқув юртларида педагогик амалиёт” китоби билан танишганмисиз деган саволга 40 % талабалар “ха” деб жавоб беришди 60 % талабалар “йўқ” деб жавоб беришди.

Асосий саволлардан бири унинг монографиясини қайси бўлими сизни кўпроқ даражада қизиқтиради?,- деган саволга 49 % респондентлар педагогик амалиётнинг мақсадлари, вазифалари ва ўзига хос томонлари деб жавоб кўрсатди. 14 % синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш деб кўрсатди. 11 % эса касбий фаолият таҳлили ва ўз-ўзини таҳлил қилиш 16 % спорт турлари бўйича мусобақаларга ҳакамлик деб жавоб кўрсатдилар. Айтиш мумкинки, стандарт анкеталаштириш натижалар фақат энг умумий мўлжалларни беради, холос.

Сизнинг фикрингизча, талабага педагогик амалиёт даврида қайси билимлар энг зарур?,- деган саволга 29 % дарснинг конспектининг ёзишни билиши, 13 % УРМ ларни ўтказишни билиши, 7 % ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ўтказишни билиши, 12 % дарснинг хранаметраж шкаласини билиши, 6 % пульсометрия (томир уриш, ўлчаш) ни ўтказишни билишни, 18 % ўқувчилар билан тренировка машғулотларини ташкил қилишни билиши керак, деб жавоб беришган. 15 % респондентлар мана шу ёзилган жавобларни ҳаммасини билиши керак, деб ўз фикрларини ёзишган.

Анкета сўровлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ушбу масаланинг ҳолатини ўрганиш амалиётда долзарб йуналишдир ва у бундан кейин ҳам тадқиқотларнинг давом эттирилишини талаб қилади.

Қайси ёшдаги болалар билан ишлаш сизга осон? Нима учун? деган саволга 5 % 6-10 ёшлилар билан, 29% 11-14 ёшлилар билан, 18 % 15-17 ёшлилар билан, 43% талабалар мен учун болалар ёшларининг фарқи йўқ, 5 % менга ҳар қандай болалар билан ишлаш қийин, деб жавоб бердилар. Олинган жавобларни яхши десак ҳақиқатдан узоқ гап бўлади, чунки талабаларнинг кўпчилиги ўз билимлари ўз имкониятларига мос эмаслигини ундан сезиларли даражада пастлигини чин дилдан тан оладилар.

Айрим малакали педагоглар жисмоний тарбия бўйича уйга вазифа бериш керак эмас, деб ҳисоблайдилар. Сиз уларни фикрига қўшиласизми? деган саволимизга талабалар 89 % “йўқ” деган жавобни кўрсатдилар. 11 %

“ха” деган жавобни кўрсатди. Талабаларнинг танланган касбларига муносабатини уларнинг педагогик фаолиятини турли жиҳатларини уйга вазифа беришларини шу позициядан кўриб чиқамиз ва кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган асосий муаммоларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Сизнинг фикрингизча, дарснинг қайси қисмида жисмоний машқларни бажариш техникасига ўргатиш мақсадга мувофиқдир?,- деган саволимизга 13 % кириш қисмида

41 % тайёргарлик қисмида 44% эса асосий қисмида, деб жавоб кўрсатдилар.

Сизнинг назарингизча, бошланғич синфларда дарс давомида ҳаракатли ўйинларни ўтказишга қанча вақт ажратиш керак? бу қуйидаги саволимизга 36% респондентлар 10-15 дақиқа, 47% 15-25 дақиқа, 9% камида 30 дақиқа, 8% эса бу ёшлиларда ҳаракатли ўйинларни бутун дарс давомида ўтказиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Сиз ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини назорат қилишни биласизми?,- деган саволимизга 95 % талабалар “ха” деб жавоб кўрсатдилар. 5 % эса “йўқ” деб жавоб кўрсатдилар. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтишимиз зарурки, юқоридаги саволлардан кўриниб турибдики, жисмоний маданият йўналиши талабаларининг аксарият қисми педагогик фаолият билан танишлиги ва уларни мунтазам дарсларда қўллашларини баён қилишган.

Гимнастика атамалари билан танишмисиз?,- деган саволимизга 93 % респондентлар “ха биламан” ва “ҳар доим ишлатаман”, деб жавоб кўрсатдилар. 7 % “биламан”, аммо ишлатмайман, деб жавоб кўрсатди. Талабаларнинг муносабатини уларнинг педагогик фаолиятини турли жиҳатларини баҳолашларини шу позициядан кўриб чиқамиз.

Дарсни ўтказишнинг қайси усулини ишлатишни биласиз?, саволига 3 % фронтал, 90 % гуруҳий, 7 % якка тартибдаги, деб жавоб кўрсатдилар.

Сиз бўлажак дарсга вазифа қўйишни биласизми?,- деган саволимизга 81 % “ха буни осонгина уддалайман”, 17 % “мендан чиқади, лекин унча аниқ эмас”, 2% эса “вазифа қўйиш энг муҳим иш эмас”, деб ҳисоблайдилар. Талабаларнинг танланган касбларига муносабати ўқитиш жараёнининг мазмуни ва мақсадларининг, шунингдек, усул ва шаклларининг танқидий муаммоларининг тажриба тариқасида белгилаш мавжуд ҳолатини стандарт анча чуқурроқ ва кенгрок ўрганишга муҳтождир.

Сиз хронометраж ўтказишни биласизми? деган саволга 66 % талаба “ха дарснинг умумий ва услубий тайёргарлигини осонгина таҳлил киламан”, 20 % “баъзан қийналаман”, 6 % “менга фоизларини ҳисоблаш ва хулосалар чиқариш жуда қийин”, 3 % “менга технология тушунарли эмас”, 5 % “йўқ”, деб жавоб кўрсатдилар. Эркин шаклдаги қўшимча мулоҳазалар респондентларга масалалар (саволлар) буйича фикрларни ва анкетага киритилмаган муаммолар ўз фикрлари, мулоҳазалар ва таклифларини билдириш имконини беради.

Пульсометрия (томир уришни ўлчашни) ўтказишни биласизми? Бу саволга 90 % респондентлар “ха менга томир уришининг қийшик чизиғининг ўзгаришини кузатиш жуда қизик” деб жавоб кўрсатдилар. 7 % “менда майда қийинчиликлар пайдо бўлади”, 3 % эса “менга бу билан шуғулланиш унча қизик эмас”, деб жавоб кўрсатдилар.

Кўмондонлик овозига эгамисиз? деган саволимизга 93 % талаба “ха” деб жавоб кўрсатдилар, 7 % эса “йўқ” деб жавоб кўрсатди, фаразларнинг кўп жиҳатдан асосан мос келиши аникланди ва бунга кўплаб мисоллар келтирилган.

Қайси спорт турларига ҳакамлик қилишни биласиз? Деган саволга қуйидагича жавоб беришдилар 52 % респондентлар “ҳаммасига” деб жавоб кўрсатишди, 15 % “волейбол”, 33 % эса “кураш, футбол, волейбол” деб жавоб кўрсатишди. Талабаларнинг ҳакамлик қилишга тайёргарлик жараёни пайтидаги умумий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини берди.

Сиз ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишни ва ўтказишни биласизми? Деган саволимизга 100 % респондентлар “ҳа, ўйинларни осонгина танлайман ва ташкил қиламан”, деб жавоб кўрсатдилар.

Сиз эстафетани ўтказа оласизми? Бу саволимизга ҳам 100 % “ҳа исталган ёшдаги болалар билан эстафеталарни осонгина ташкил қиламан ва ўтказа оламан”, деб жавоб беришди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтишимиз зарур, юқоридаги саволлардан кўриниб турибдики, жисмоний маданият йўналиши талабаларининг аксарият қисми ўзларини педагогик амалиёт бўйича етарли билим ва малакага эга, деб ҳисоблайдилар.

Ўтказилган тадқиқот натижасида талабаларнинг аксарият қисми янги педагогик ва инновацион технологияларни моҳиятини унча тушунмасликлари маълум бўлмоқда.

Ўқитиш жараёнининг мазмуни ва мақсадларининг, шунингдек, усул ва шаклларининг танқидий муаммоларини тажриба тариқасида тадқиқ қилиш ва белгилаш мавжуд ҳолатини стандарт анкета усули ёрдамида мумкин бўлганига қараганда анча чуқурроқ ва кенгрок ўрганишга муҳтождир. Айтиш мумкинки, стандарт анкеталаштириш натижалари фақат энг умумий мўлжалларни беради, холос. Аммо анкета усулини мақсимал даражада ишлатиш ва унинг самарадорлигини кўтариш учун ушбу усулда анкетанинг ярим стандарт (эркин шаклдаги очик, саволлар ва қўшимча мулоҳазалар деб аталувчи) вариантдан ҳам фойдаландик. Бундай ахборот ўз қийматига эга у жавобларни «ёпиқ» саволларга анча эркинрок интерпритация қилиш ва қиёсланувчи алоқаларни топиш имконини беради. Бундан ташқари шу тарзда ёпиқ саволлар ишлатилган ҳолатлар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган саволларни қўйиш имкони туғилди.

Мазкур ишда бизни бу ахборотни уни ҳамма икир-чикирлари билан интерпритация қилиш каби тўлиқ қамраб олиш қизиқтирмайди.

Эркин шаклдаги қўшимча мулоҳазалар респондентларга масалалар (саволлар) бўйича фикрларини ва анкетага киритилмаган муаммолар уз фикрлари мулоҳазалари ва таклифларини билдириш имконини беради.

Тегишли ахборот олиш билан бирга ушбу услубият анкета усулининг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш ва жисмоний маданият талабаларининг дарс ўтишига тайёргарлик жараёни пайтидаги умумий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини берди, умумий афзалликлар ва камчиликларни аниқлаш социология соҳасига киради. «Уни қўллашнинг самарадорлиги кўп даражада» (жихатдан) тадқиқотнинг конкрет объектига ва бундан келиб чиқадиган ўзига мосликларига боғлиқдир.

Анкетада айрим услубий камчиликлар бўлишига қарамасдан, муаммони аниқлашда катта ёрдам берди. Биринчи навбатда анкетанинг тажрибавий қоидаларини ва бундан келиб чиқадиган анкетанинг материали бўйича хулосали гипотезаларни бир бирига кўп жихатдан асосан мос келиши аниқланди ва бунга кўплаб мисоллар келтирилган. Иккинчи умумий ва энг эътиборли жиддий хулоса шуки, анкета маълумотлари туфайли ушбу усул ёрдамида охиригача ҳал қилиб бўлмайдиган ҳар хил муаммолар аниқланди. Бу муаммолар бундан буён тадқиқотнинг бошқа усулларини ишлатиш зарурлиги равшан бўлиб колди.

Учинчидан, биз хулосаларнинг конкрет материалларининг маълум миқдорини ўқув ишлари амалиётида ва ўқув жараёнини ташкил қилишда тўғридан тўғри ва алоҳида қўшимча тадқиқот иши ўтказмай ишлатиш мумкинлигини қайд этишимиз мумкин.

Анкетага талабаларнинг касбий тайёргарликларининг даражасини бу тайёргарликнинг ўқув жараёни сифатини ошириш учун аҳамиятини аниқлаш бўйича саволлар киритилган эди. Ўтказилган анкеталаштириш натижасида аҳамият қаратилиши керак бўлган қуйидаги жихатлар аниқланди:

- ўқитиш жараёнининг касбий йўналтирилганлигининг такомиллаштириш зарур бўлмаган жисмоний тарбия талабаларнинг услубий тайёргарлигига кўпроқ диққат ажратиш;

- олий ўқув юрти дастури бўйича ўрганиладиган режалаштириш хужжатларини мактаб дастурига яқинлаштириш керак;

- педагогик амалиёт ўтиш учун ажратиладиган соатлардан амалиётни модернизация қилиш орқали самарали фойдаланиш;

- ўқув жараёни ва педагогик амалиётни ўтиш дастури касбий йўналиштиришни кучайтириш;

-кўпчилик талабалар мактабда машғулотларини олиб бориш учун етарли педагогик тайёргарликка эга эмас.

Анкета сўровлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу масаланинг ҳолатини ўрганиш амалиётда долзарбдир ва у бундан кейин ҳам тадқиқотларнинг давом эттирилишини талаб қилади.

Анкетага талабаларнинг касбий тайёргарлигининг даражасини, бу тайёргарликнинг ўқув жараёни сифатини ошириш учун аҳамиятини аниқлаш бўйича саволлар киритилган эди (1-илова). Ўтказилган анкеталаштириш натижасида аҳамият қаратилиши керак бўлган қуйидаги жиҳатлар аниқланди:

- ўқитиш жараёнининг касбий йўналтирилганлигининг такомиллаштириш зарур бўлмаган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг услубий тайёргарлигига кўпроқ диққат ажратиш;

- олий ўқув юрти дастури бўйича ўрганиладиган режалаштириш хужжатларини мактаб дастурига яқинлаштириш керак;

- педагогик амалиёт ўтиш учун ажратиладиган соатлар миқдорини кўпайтириш зарур;

- ўқув жараёни ва педагогик амалиётни ўтишга тайёргарлик дастури касбий йўналтиришни кучайтириш маъносида кучайтиришга мухтождир;

- кўпчилик талабалар мактабда машғулотларни олиб бориш учун

етарли педагогик тайёргарликка эга эмас.

Анкета сўровлари натижаларининг тахлили шуни кўрсатдики, ушбу масаланинг ҳолатини ўрганиш амалиётда долзарб йўналишдир ва у бундан кейин ҳам тадқиқотларнинг давом эттирилишини талаб қилади.

3.2. Талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги даражасини оширишда инновацион технологияларнинг роли

Педагогик кадрларни касбий фаолиятга тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш кенг тармоқли муаммодир. Ўқув фани сифатида жисмоний тарбия ижтимоий фаол, баркамол ривожланган ва жисмонан баркамол ўқитувчи шахсининг юқори касбий тайёргарлик даражасига эга бўлишни талаб қилади. Жисмоний маданият ўқитувчиси нафақат жисмонан баркамол, балки назарий жиҳатдан ҳам чуқур билимга эга бўлиши лозим.

Жисмоний тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчилар жисмоний маданият кадриятларини шу даражада эгаллашлари керакки, бу даража фақатгина соғлиқни мустаҳкамлаш, юқори касбий ишчанлик, жисмоний комиллик имкониятигина эмас, ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жисмоний тарбия ва спортдан фойдаланиш бўйича касбий ваколатлиликнинг юксак даражасини ҳам таъминлаши керак. Бунда ўқитувчи умумтаълим мактабида ўқувчиларни жисмоний тарбия билан шуғулланишлари тўғрисидаги низомда қайд этилган мажбуриятларни камида ташвиқотчи, йўриқчи-мураббий ва ҳакам вазифасида чиқиб, ўқишнинг ва ўқувчилар дам олишларининг гигиеник шарт-шароитларини таъминлай бориб, шунингдек, ўқувчиларнинг мазмунли ва соғлом хордиқ чиқаришлари, соғлиқларини мустаҳкамлашлари жисмоний ривожланишлари, жисмоний такомиллашлари учун ёрдам бериб уларнинг ривожланиш доирасини кенгайтириши лозим. Агар бўлажак ўқитувчиларда бундай фаолиятнинг

зарурлиги, катта эътибор ва аҳамиятга моликлиги ҳақида ишонч, унинг натижалари учун ижтимоий маъсулият шаклланган, жисмоний тарбия жараёнида унинг услубий асосларини эгаллашга интилиш тарбияланган бўлгандагина бунинг учун зарур бўлган касбий тайёргарлик дастурини аниқ бажариш мумкин бўлади.

Мана шунинг учун ҳам ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг яхлит тузилмасида уларнинг ўз соғликлариغا, касбий меҳнат қобилиятига муносабатлари, шаклланган қарашлари эътиқодлари, жисмоний тарбияни қадрият сифатида эъзозлашлари ва унга айнан шу нуқтаи назардан мўлжал олишларини тарбияланганлик даражасини кўрсатади, жисмоний тарбия ва спорт воситаларида педагогик фаолиятда ва бўш вақтларда фойдаланишлари уларнинг умуммаданий ва касбий ривожланганлик даражаларининг энг муҳим кўрсаткичларидир.

Талабаларни касбий тайёрлаш тизимида етакчи рол педагогик амалиётга тегишлидир. У ўқитиш жараёни ва талабаларниг ўқув-ёрдамчи муассасалардаги мустақил амалий ишлари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб, талабаларни педагогик фаолиятнинг билиш тажрибалари билан қуроллантиради. Ғоявий-сиёсий йўналтирилганлик, назарий асосланганлик, ўргатувчи ва тарбияловчи хусусиятлар, унинг мазмуни ва ташкил этилишига комплекс ёндошув, тизимийлик ва ворислик – педагогик амалиётнинг самарадорлигини асосий шартларидир.

Амалий машғулотларда талабалар ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш бўйича педагогик фаолиятда зарур бўлган услубий билимлар ва кўникмаларга ўргатилади, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни шахсининг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни масаласи ҳам хал бўлади. Ўз харакатлари имкониятларини ўзлари тўғри баҳолашлари, машғулотларни ўтказиш учун мўътадил мотивцияни (харакатларнинг асосланишини) яратиш учун талабалар ўзларининг жисмоний тайёргарликлари, ўқитиш натижалари, жисмоний такомиллашиш

истиқболлари, шахсий ва касбий аҳамиятга молик хиссиётларни ривожлантириш ҳақида жорий ва тезкор ахборот билан таъминланган бўлишлари керак.

Педагогик амалиёт жараёнида ижтимоий-сиёсий, психологик-педагогик ва махсус бўлимлар чуқурлаштирилади. мустаҳкамланади ва бойитилади, уларни конкрет педагогик вазифаларни хал қилишда қўллаш тажрибаси тарбияланади; бўлажак ўқитувчиларда педагогик билимлар, тажриба ва кўникмалар ҳамда касбий аҳамиятга молик шахсий хусусиятлар ва сифатлар шаклланади ва ривожланади; ўқитувчилик касбига мўътадил қизиқиш ва муҳаббат, педагогик мустақил билим олишга эҳтиёж тарбияланади. Педагогик фаолиятга ижодий ёндошув шакллантирилади. Талабалар мактабдаги ўқув-тарбия ишларининг ҳозирги аҳоли илғор педагогик тажриба билан танишадилар, педагогик жамоаларга ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда қўлларидан келган ёрдамларини берадилар.

Ўз тайёргарлиги натижалари устидан назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш талабаларнинг касбий тайёргарлиги тизимининг мажбурий элементларидир. Бу унсурларга олий ўқув юртидаги таълим натижалари интеграллаштирилган. Билим, тажриба, кўникмаларни текшириш чуқур ва ҳар томонлама бўлиши керак. Назорат натижалари ошқора қилиниши лозим, бу катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, бу бурч ва маъсулият хисларининг ривожланишига ёрдам беради. Дифференцияланган объектив назорат талабанинг ўзлаштиришининг даражаси ва характерининг нисбий тасаввурини эмас аниқ, равшан тасвирини бериши керак. Баҳолаш, агар у талабанинг ишини яқунламай, аксинча унинг фаолиятининг сифат тахлилига сабаб бўладиган бўлса, таъсирчан бўлади. Баҳолашга ёндошишнинг ҳар хил турлари кўп бўлишига қарамай уларнинг ҳаммаси битта умумий камчилик – субъективликдан холи эмас. Пировард натижада масаланинг қандоқ хал қилиниши усулидан кам фойдаланаётганига ёки эксперт сифатида кам жалб этилаётганлигига боғлиқ бўлиб қолади.

Баҳолашнинг холислик муаммосини қуйидаги тарзда баҳолаш технологиясига алоҳида талаблар кўринишида шакллантириш мумкин. У шундай тузилиши керакки, ходимлар қуйидагича баҳоланиши лозим:

1. Кимнингдир шахсий фикри ёки алоҳида мулохазаларга боғлиқ бўлмаган холда холисона;

2. Вазият омиллари (кайфият об-ҳаво ва ҳоказолар) таъсиридан нисбатан эркин – ишончли;

3. Фаолиятга нисбатан ҳаққоний - кўникмаларни эгаллаганлигини реал даражаси одамнинг ўз ишини қай даражада муваффақиятли ифодаланаётгани;

4. Истиқболни башорат қилиш имконияти билан - баҳолаш одам фаолиятнинг қайси турларига ва қай даражада потенциал ҳақида маълумотлар бериши керак;

5. Комплекс равишда – ташкилотнинг ҳар бир аъзосигина эмас, балки ташкилотнинг алоқалари ҳам ва ички муносабатлари ҳам, шунингдек, яхлит олганда ташкилотнинг имкониятлари ҳам баҳоланади;

6. Баҳолаш жараёни ва баҳолаш мезонлари мутахассисларнинг тор доирасигагина эмас, балки баҳоловчиларга ҳали кузатувчиларга ҳам ва баҳоланувчиларнинг ўзларига ҳам тушунарли бўлиши (яъни ички равшанлик хусусиятга эга бўлиши) керак;

7. Баҳолаш тадбирларини ўтказиш жамоанинг ишлаб чиқариш фаолиятини издан чиқармаслиги керакки эмас, балки бу тадбирлар ташкилотдаги кодлар билан ишлашнинг умумий тизимига бу ишнинг ривожланиши ва такомиллаштирилишига реал ёрдам берадиган тарзда кўшилиши керак.

Педагогик фаолият ўзининг ўзига хос хусусиятли тузилмасига эга, бу тузилма таркибига аоссий билим (тажриба)ларнинг нисбатан унча катта бўлмаган рўйхатини шакллантирувчи педагогик ҳаракатларнинг жуда катта миқдори киради. Уларга билиш (гностик), конструктив, коммуникатив,

ташкilotчилик тажрибалари киради.

Билиш (гностик) тажрибалари ўқитувчига ўқувчиларнинг руҳиятини, уларнинг руҳий ҳолатларини чуқурроқ тушуниш учун керакдир. Улар ўз ичига дарслар ва тарбиявий таъдбирларни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни таниб олиш, ўз ҳаракатларини назорат қилиш, уларни такомиллаштириш, психолого-педогогик билимлар ва тўпланган педагогик тажрибадан фойдаланишни билишни олганлар. Бу билимларни шакллантиришнинг зарур шарти қабул қилинишининг диққатини, фикрлаш, тасаввур, хотиранинг етарли даражада ривожланган бўлишидир. Бу ўрганиш билимлари, билиш тажрибалари ўқитувчининг касбий меҳнатининг умуминтеллектуал асосини ташкил қилишини билдиради.

Конструктив билимлар мўлжал олиш вазифасини бажарадилар. Улар ўқитувчининг амалий ҳаракатларидан олдинда юргандек бўладилар, машғулотларнинг ўқувчиларда интеллектуал, эмоционал ва амалий қизиқишларини уйғотадиган композицион ташкил қилиниши усулларини белгилаб берадилар. Улар тарбиявий ишларни, жамоани ва алоҳида шахсларни ривожлантиришдаги истиқболли тизимларни режалаштириш билан, фаолиятнинг мақсадга мувофиқ турларини танлаб олиш; ҳар бир ўқувчини жамоа шароитида унинг ёши ва руҳий-жисмоний ўзига хосликларидан келиб чиқиб тарбиялашнинг индивидуал дастурини амалга ошириш билан бағишлагандирлар.

Коммуникатив билим ва тажрибалар ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар жамоатчилик вакиллари билан педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ муносабатларини ўрнатишда, жамоалар аро ва жамоа ичидаги муносабатларни тартибга солишда, ўқувчиларга ўзига ишонч туғдиришда, улар билан қилинадиган мулоқотнинг шаклини топишни, уларга қилинадиган педагогик таъсирнинг натижаларини олдиндан кўра билишни билишда кўринади.

Ахборот билимларига баъзи ҳолларда фақат мулоқот воситаси

сифатидагина қарайдилар. Ушбу билимларни мустақил тажрибалар сифатида кўриб чиқишга ҳақиқий коммуникатив билимларнинг фақат ўқув-тарбия жараёнининг самарасини оширишнинггина шарти эканлиги, ахборот билимлари эса фақатгина самарани ошириб қолмай, балки ўқитиш ва тарбиянинг зарур белгиси ҳамдир. Ахборот билимлари ва тажрибаларини ривожлантиришда овознинг йўлга қўйилганлиги, диққат (талаффуз)нинг ишлаганлиги нутқнинг ифодалилиги ва эмоционаллиги, унинг маданияти катта аҳамиятга эгадир.

Ташкилотчилик билимлари, тажрибалари ўқитувчининг ўқувчиларни фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб қилиш, уларни ўз-ўзини тарбиялашга ундаш, жамоанинг ҳар бир алоҳида шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситасига айланишига эришишга жалб этиш қобилиятни белгилайди. Талабаларнинг ўқитувчи меҳнатининг кўп тармоқли, кўп томонлама ижтимоий масъулиятнинг аниқ равшан тушунишлари уларнинг касбий билимлари, тажриба, кўникмаларнинг тизимини муваффақиятли эгаллашлари, қобилиятларини ривожлантиришлари учун қулай имкониятлар туғдиради.

Билимлар, тажриба ва кўникмаларнинг текшириш чуқурлаштирилган ва ҳар томонлама бўлиши керак. Назорат натижалари ошкора бўлиши керак. Бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, талабаларда бурч ва маъсулият ҳисларини ривожлантиради. баҳолаш, агар у ўқитувчи ва талабанинг ишини яқунламаса, балки аксинча уларнинг фаолиятларини сифат жиҳатидан таҳлил қилишга олиб борса, таъсирчан бўлади.

Талабаларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этишни тартибга солиш мақсадида улар эгаллашлари керак бўлган билимларни ўзлаштириш қийинчилиги изчиллик билан ўсиб боришини, шунингдек ўқув ва ўқишдан ташқари фаолиятда, педагогик фаолиятда ишлатишни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги гуруҳларга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси.

2. Жисмоний маданият дарсларини ташкилқилиш ва ўтказиш малакаси.
3. Жисмоний маданият машғулотларида тиббий-педагогик назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш малакалари.
4. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш, тарбиявий ишлар, омавий спорт тадбирлари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.
5. Таълим муассасаларида спорт мусобақалари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.

Биринчи гуруҳ бўйича ўқув ишларини режалаштириш малакасига эга бўлиш учун талаба навбатдаги шартларга амал қилиш керак: йиллик ўқув режаси материалларини тақсимлаш; чораклик режани тузиш; жисмоний маданият дарс баённомасини тузиш.

Ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси.

Дарсга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни ташкил қилиш малака ва кўникмаларига эга бўлиши учун талаба билиши шарт бўлган; дарс вазифасидан келиб чиққан ҳолда, дарс ўтказиладиган жойни ва керакли анжомларни тайёрлаш; дарс вазифасидан келиб чиққан ҳолда, мақсадга эришиш учун ўқувчиларни дарсга тайёрлаш; амалиётда ўқувчиларни ўқитишнинг турли хил методларидан фойдаланиш; дарсни бошқариш учун тўғри жой танлаш, буйруқларни тўғри ва аниқ бериш; шуғулланувчиларни педагогик назоратини ташкил қилиш кабиларга амал қилиши зарур.

Харакат ва жисмоний сифатларни ўргатиш малака ва кўникмаларига эга бўлиши учун талаба навбатдаги талабаларни билиши шарт: Дарс вазифасидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат ва жисмоний сифатларга ўргатишда ўқувчиларни ёшига ва жойни тўғри танлашга эътибор бериш, асосий восита ва методларни тўғри танлашни билиши лозим; дастурнинг назарий бўлими бўйича дарсни ташкил қилиш ва ўтказиш; жисмоний тайёргарлиги ва соғлигини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларга шахсий ёндашиш.

Дарсни педагогик таҳлил қилиш малака ва кўникмаларини эгаллаш учун талаба навбатдаги вазифаларни билиши шарт: жисмоний маданият

ўқитувчисининг асосий фаолиятини тахлил қилабилиш, ўқувчиларни дарсда қатнашишларини қайд қилиш; дарснинг педагогик тахлилин амалга ошириш; дарс хронометрик тахлил қилишни ўрганиш, дарсда олинган пульс кўрсаткичларини қайд қилиш ва тахлил қилиш; олинган натижаларни тахлил қилиш ва педагогик хулосалар чиқариш.

Жисмоний маданият дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси.

Дарсга қўйилган педагогик вазифаларни ечиш учун, ўқитувчи дарсга ўзи мукамал тайёрланиши ва ўқувчиларни дарсда қатнашишга олдиндан тайёрлаши зарур.

Дарсга тайёрланиш жараёни кетма-кетликдаги иккита қисмдан иборатдир. Биринчи қисмнинг мақсади - вазифаларни шакллантиришдан иборат; яъни ўтилган машғулотдан келиб чиққанда, дарс мазмунини ишлаб чиқиш; машқлар меъёрини аниқлаш; методик усулларни танлаш; залда харакатланиш усулларини аниқлаш; дидактик материалларни танлаш (кўргазмали қуроллар, жихозлар ва инвентарлар); дарснинг тузилмасини аниқлаш; уйга бериладиган вазифаларни мазмунини ишлаб чиқиш қобилиятларидан. Дарсга тайёргарликнинг иккинчи қисмида дарс ўтиладиган жойда инвентарь ва жихозларни жойлашишларини аниқлаш ва тайёрлаш, спорт анжомларини жой-жойига жойлаштириш. Спорт анжомларини дастлабки техник созлигини, анжомлар қаторида узунликка сакраш чуқурчалари, тўшаклар холати, спорт майдончалари ва югириш йўлакчаларини қопламасини текшириш кабилар хам ўзига хос ахамият касб этади. Гимнастик анжомларини мустахкамлигини алоҳида кўздан кечириш лозимлигини эсдан чиқармаслик керак. Спорт анжомларидан фойдаланганда уларнинг жойлашиш холати каби тўсиқлар, дарсда бекорга кетган вақтга сабаб бўлмаслиги керак.

Ўқитувчининг тайёргарлигига қуйидагилар киради: дарс мавзуси бўйича педагогика фани ва амалиёти ютуқларига хос махсус методик

адабиётларни ўрганиш, дарс баённомасини ёзиш; шахсий ҳаракатлар тайёргарлиги, нутқ тайёргарлиги (буйруқларни айтилиши, санашлар, ўйин қоидаларини тушинтириш ва б.). Дарс ўтиладиган жойни тайёрлаш, спорт жиҳозлари ва анжомларини тайёрлаш, уларни санитар-гигиеник ҳолатини текшириш, спорт формаси ва оёқ кийимини тайёрлаш кабилар шулар жумласига киради.

Ўқувчиларнинг тайёргарлиги: спорт кийими мавжудлиги; ўтиладиган дарс мазмуни, вазифалари билан танишишганлиги; ўйга вазифани бажариш; дарсга оид дидактик маълумотларни тайёрлаш кабилардан иборат.

Ўқитувчи ёки амалиётчи-талабанинг дарс ўтишга тайёргарлик даражасини аниқлаш учун уларнинг ўзлари тузган дарс баёнини таҳлил қила билишлари лозимлигига.

Жисмоний маданият машғулотларида тиббий-педагогик назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш малакалари.

Ушбу гуруҳнинг мақсади: амалиётчи – талабаларга жисмоний маданият дарсларида тиббий тиббий-педагогик назорат олиб бориш билимларини эгаллаб олишга амалий ёрдам беришдан иборатдир. Ўқув муассасида тиббий ёки врач назоратини олиб боришда асосан тиббиёт ходими ёки жисмоний маданият ўқитувчиларининг фаолиятлари катта аҳамият касб этади. Улар учун зарор бўлган мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

- мактаб ўқувчиларини доимий тиббий кўрикдан ўтказиш;
- шуғулланувчиларни машғулотларда ва дарсдан ташқари жисмоний маданият тадбирлари давомида тиббий-педагогик кузатув олиб бориш;
- машғулотлар ўтказилиш жойлари ва шароити устидан, жисмоний-соғломлантирувчи тадбирлар ва мусобақаларда санитар-гигиеник назорат ўтказиш;
- тиббий хизмат кўрсатиш;
- мактаб ўқувчиларини соғлом турмуш тарзи бўйича таълим-ташвиқот ишларини олиб боришни олиб бориш кабилардан.

- спортда жарохатланиш ва касалликларни олдини олиш бўйича профилактика ишлари.

Ўқитувчининг асосий вазифаси жисмоний маданият машғулотларида хавфсизлик қоидаларини бузилиши, шунингдек толиқишни олиб келадиган, сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишдан иборат. Амалиётчи – талаба ўқувчиларни ташқи кўринишидан соғлиги ҳолатини аниқлаб билишни ўрганиши лозим.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш, тарбиявий ишлар, омавий спорт тадбирлари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.

Педагогик амалиёт даврида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва ўтказишда бир қатор вазифалар ечилади:

- синфдаги алоҳида ўқувчилар билан дарсдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш малакасини эгаллаш;

- турли типдаги мактабларда олиб бориладиган дарсдан ташқари тарбиявий ишларни асосий шакллари ўзлаштириш;

- ўқувчиларнинг ёшӣ ва индивидуал (шахсий) хусусиятларини ўрганишни метод ва усулларини ўзлаштириш.

Амалиётчи талабалар ўқувчилар билан мустақил равишда тарбиявий ишлар турларини режалаштиришади ва ташкил қиладилар: Турли суҳбатлар, синф соатлари, беллашувлар, топишмоқлар, саёхатлар, бунёдкор отрядлари, билимларни ошириш ўйинлари, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, спорт бурчакларини безатиш, саломатлик бурчагини ташкил этиш, кунни узайтирилган гуруҳларда фаол равишда дам олишни ташкил қилиш.

Тарбиявий ишлар асосан жисмоний маданият ўқитувчиси томонидан ўқув йили бошида тузилган спорт-соғломлаштириш тадбирлар режасига мос равишда олиб борилади ва ўтказилади ёки мактаб миқёсидаги байрамлар, муҳим аҳамиятга эга бўлган саналарга бағишланган тадбирлар ўқазиладиган бўлса бундай ҳолларда мактаб тарбиявий ишлари режаси асосида иш олиб

борилади. Амалиётчи талаба шунингдек бириктирилган синф раҳбари иш режасида белгиланган дарсдан ташқари тарбиявий ишларга ҳам жалб қилиниши мумкин.

Тарбиявий ишларни олиб боришда бир қанча жихатларни эътиборга олиш лозим:

- тадбир ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида олдиндан тегишли эълонни расмийлаштириш;

- танланган мавзу ўқувчилар ёшига қараб мос ва қизиқарли бўлиши керак;

- амалиётчи талаба ўтказилаётган тадбирни мақсадини хис қила билиши лозим;

- амалиётчи талаба тадбирга ўқувчиларнинг ўзларини жалб қилган ҳолда олдиндан тайёргарлик ишларини олиб бориши керак;

- тадбирни бевосита ўтказиш қонун-қоидаларига эътиборни қаратиш;

- ўтказилган тадбирни якунини ясаш.

Амалиётчи-талаба тарбиявий тадбирларни онгли равишда таҳлил қила билиши лозим. Чунки у кейинчалик йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда шу тадбир асосида, бошқа режалаштирилган тадбирларда юқори натижаларга эришиши мумкин.

Таълим муассасаларида спорт мусобақалари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.

Синфдан ташқари оммавий-спорт ва спорт-соғломлаштириш ишларини ташкил қилишда спорт мусобақалари асосий ўрин эгаллайди.

Мактаб жисмоний тарбия тизимида қуйидаги спорт мусобақалари ўтказилади:

- якка синф ўқувчилари иштирокида;

- гуруҳлар ўртасида;

- ёнма-ён синфлар ўртасида;

- барча синфлар ўртасида;

Бундан ташқари мусобақалар якка тартибда шахсий, жамоавий, жамоавий биринчилик учун, мактаб ва тўғарак биринчиликлари учун ўтказилиши мумкин. Синфлар ўртасидаги мактаб биринчилиги мусобақаларини спартакиада тарзида, бир қанча спорт турларини тизимлаштириб, байрамларга ва саналарга бағишлаб ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Спартакиада ёки алохида спорт мусобақаларнинг якунини, ғолибларни тақдирлаш рағбатларини мактаб байрамларида, шунингдек мусобақалар охирида ўтказиш мумкин.

Мактаб жисмоний тарбия тизимида мусобақаларни ўтказишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилади: тўғри, айлана бўйлаб, чиқиб кетиш ва аралаш усуллари шулар жумласига киради. Тўғри усул якка ва якка жамоавий мусобақалар ўтказганда (енгил атлетика, сузиш), ёки техник-эстетик машқлар ҳамда улар сифати учун баллар ҳисобланганда қўлланилади (гимнастика, акрабатика ва б.). Усулнинг моҳияти битта спорт аренасида мусобақа машқларини кетма-кетликда ва бир вақтнинг ўзида бажарилишини таъминлайди.

Айлана усулида барча иштирокчилар (жамоалар) кетма-кетликда бир-бирлари билан учрашиб чиқадилар ва бу усул асосан спорт ўйинлари шунингдек якка кураш спорт турларида кўпроқ қўлланилади.

Чиқиб кетиш усулида ҳар бир иштирокчилар ёки жамоалар бир ва ундан кўп мағлубиятга учраган тақдирда мусобақаларни тарк этишади. Бундай мусобақалар “кубок” ёки “олимпия” усуллари деб ҳам аташади. Чунки олимпиада ва катта кубок мусобақаларида ушбу усулдан фойдаланишади.

Аралаш усул моҳияти унда битта мусобақанинг ўзида иккита усулдан: ҳам айлана ва чиқиб кетиш усулларида кетма-кетликда фойдаланилади. Бунда одатта мусобақанинг биринчи давраси айлана, иккинчи давраси эса чиқиб кетиш усулида ўтказилади.

Мусобақларнинг мувофақиятли ўтиши ташкилий ишларни режалаштириш ва тайёргарлик жараёнини тўғри тақсимланишига боғлиқ. Улар навбатдагиларни ўз ичига олади:

- тадбирни календар режасини тузиш;
- ҳар бир мусобақага харажатлар сметасини тузиш;
- катта мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга ташкилий кўмитани таништириш;
- хакамлар коллегиясини тузиш ва уларни ишларини ташкил қилиш;
- мусобақада қатнашиш талабномаларини таҳлил қилишни ташкил қилиш;
- мусобақа ўтказилиш жадвалини тузиш;
- мусобақа голибларни рағбатлантириш ритуалини, очилиш ва ёпилиш тантаналарини режалаштириш;
- мусобақада тиббий ходимлар иштирокини таъминлаш;
- мусобақа ўтказиладиган жойни ва жихозларни текшириш;
- мусобақа қатнашчилари ва томошабинларга хизмат кўрсатадиган тадбирларни аниқлаш;
- мусобақаларни бориши якуни тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида тўғри ва аниқ бериб борилишини таъминлаш.

3.3. Талабаларнинг педагогик амалиётдан ўтишга касбий-педагогик тайёрлаш инновацион услубини ишлаб чиқиш

Тажриба тўплаш жараёни аста секин, якка тартибда кечади ва ҳар бир шахснинг психологик ўзига хосликлари ва сифатларига боғлиқ бўлади. Жисмоний маданият ўқитувчисининг бўлажак фаолиятига касбий тайёргарлиги тузилмаси ижтимоий-педагогик ва аниқ-услубий таҳлил натижалари бўйича тузилган илмий-назарий, амалий ташкил топади. Бунда жиддий аҳамият ўқув амалиёти ўтиш воситасида касбий-педагогик

билимлар, тажрибалар ва кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилади.

Биз томондан, «муаллим – «талаба» - «муаллим» тизимидаги ўзаро ахборот таъсирига асосланган услуб таҳлил қилинди. Муаллимдан талабага келиб тушган ахборот (тўғридан-тўғри алоқа) талаба томонидан таҳлил қилинади ва яна муаллимга қаратилади.

Таҳлил қилинган услуб:

- талабаларнинг фаолиятини маърузаларни суат тинглаб ўтиришдан бошлаб, кўриб чиқиладиган муаммоларни фаол муҳокама қилишга эришишга қадар фаоллаштиришни;

- талабаларга мунтазам равишда давом этадиган педагогик меҳнатга қизиқишни сингдиришни;

- талабаларни ўқув амалий фаолиятга ўқитувчи раҳбарлигида жалб этишни ва уларни фаол мустақил ижодий ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш даражасига етказиш;

- фикрлаш жараёнларини фаоллаштиришни;

- талабаларни зарур билимларни: муаллим-услубчидан тўғридан-тўғри (педагогик амалиёт ўтиш даврида бевосита) олинадиган ўқув ахборотни (ўқиш жараёнида олинган билимлар)дан мутахассиснинг ижодкор шахси шаклланиши учун зарур бўлган билим ва тажрибаларни мустақил олишларини;

- талабаларнинг зарур назорат билимларини эгаллашларини;

- талабаларнинг мустақил ишлаш усулларини эгаллашларини;

- билим фаолиятига қизиқишни шакллантиришини;

- талабаларнинг ўз-ўзларига баҳо бериш усулларини эгаллашларини;

- ижодий педагогик фаолият тажрибасини шакллантиришга индивидуал-дифференцияланган ёндошишни;

- муаммоли вазиятларнинг мавжудлигини ва уларни тезкор ҳал қилишини кўзда тутди.

Ўқув жараёнида қайта алоқа асосидаги ўзаро ҳаракат жуда муҳим ва

хаётий заруратдир, чунки у ўқув-билим фаолиятининг изчиллигининг тўғрилигини аниқлаш сигнали бўлиб хизмат қилади. У талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятларини модернизациялашнинг замонавий тузатишлар киритилиши кераклигини кўрсатди.

Материалларнинг ўзлаштирилиш даражасига ҳар хил шароитлар катта таъсир қилади. Агар талаба қийинчиликларни сезмаётган бўлса, шарт-шароитларни қулай деб ҳисоблаш мумкин.

3.4. Педагогик амалиётни ўтиш даврида талабаларда касбий-педагогик билимларни такомиллаштириш дастурининг самарадорлигини баҳолаш

Тадқиқотда Урганч давлат университетининг 4 курс битказувчи талабалари қатнашдилар. Педагогик амалиётда талабаларнинг мустақил педагогик фаолиятга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлиги текшириб кўрилди. Бунда талабаларни ўқитувчи сифатидаги бўлажак фаолиятларига тайёрлаш учун максимал ҳажм ва миқдордаги шарт-шароитлар яратилади, талабаларнинг ижодий онги бойиди. Амалиёт уларни педагогик билимлар, тажрибалар ва кўникмаларнинг мажмуи билан қуроллантирди. Талабаларнинг ҳаракат қилиш имкониятларини касбий йўналтирилганлигини ўзлари мустақил баҳолашларини ўрганиш гуруҳларга бирлаштирилган малакалар ёрдамида ўтказилди. Бу билим малакалари уларни ўзлаштиришнинг қийинлигининг ўсиб боришини, шунингдек уларни ўқув ва педагогик амалиётдаги ўқишдан ташқари фаолиятда ишлатишини ҳисобга олиб тузулган эди. Бу билим малакалари гуруҳлари қуйидагилардир:

1. Ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси.
2. Жисмоний маданият дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш малакаси.
3. Жисмоний маданият машғулотларида тиббий-педагогик назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш малакалари.

4. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш, тарбиявий ишлар, омавий спорт тадбирлари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.

5. Таълим муассасаларида спорт мусобақалари ташкил қилиш ва ўтказиш малакалари.

2011 йилдан бошлаб УрДУ Жисмоний маданият факультети битказувчи талабалари педагогик амалиётга чиқишда иккита гуруҳга ажратилади. Булар; факультет томонидан белгиланган мактаб ёки касб хунар коллежларига борадиган талабалар; иккинчи гуруҳ талабалар ўзлари битказгандан кейин ишга борадиган мактаб ёки касб хунар коллежга шартнома асосида педагогик амалиётга жалб қилинишади. Биз ўз тажрибамизда ишга жойлашадиган мактабга шартнома асосида педагогик амалиётга чиқадиган талабалар педагогик амалиёти жараёнини танладик. Чунки бу жараён янги кириб келган жараён бўлиб кўпчилик муаммолар ва танқидларга учрамоқда эди. Талабаларни ўзлари шартнома тузган кейинчалик ишга жойлашадиган мактаб ёки КХК ларига педагогик амалиётга юборишдан мақсад талаба ўзи кейинчалик ишга борадиган жомаога, у ердаги муҳитга ўрганиш амалиёт даврида у ердаги камчилик ва ютуқларни таҳлил қилиш имкониятларидан тўлақонли фойдаланишдан иборатдир. Шунинг билан бирга талабалар педагогик амалиёт даврида факультетга келиб ўзларига беркитилган методист-ўқитувчига педагогик амалиётда юритиладиган хужжатларини текширтириш ва ўқув-тарбиявий иш режаларини тасдиқлатиш учун режада белгиланган саналарда келишлари талаб қилинади. Биз тамонидан 10 нафар талаба тажриба гуруҳига 10 нафар талаба тадқиқот гуруҳига танлаб олинди. Ушбу иккала гуруҳ талабаларидан анкета сўровномаси ва рейтинг тизимида баҳоланганда уларнинг имкониятлари ва олган баҳолари бир хил эканлиги намоён бўлди. Бундан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки иккала гуруҳ талабалари тажриба бошланишида бир хил даражада бўлиб, улар орасида унча сезиларли фарқ йўқ. Талабалар белгиланган жадвал асосида факультетга келиб

хужжатларини текширтириш ва тасдиқлатиш учун келганларида назорат гуруҳи ананъавий тарзда, яни фақат кундалиги билан келиб текширтириб кетишади. Аммо тажриба гуруҳи талабалари ушбу назоратга келганларида педагогик амалиёт даврида белгиланган юқорида кўрсатиб ўтилган малака ва кўникмалари бўйича хужжатлар қаторида қилинган ишларини видео тасвирга ва диктафонга тушириб олиб келишади. Тажриба синовлари шуни кўрсатдики назорат гуруҳи талабалари якуний ҳисобот топширишда 10 нафар талабалардан 28 % и 86 баллдан юқори, 52 % 71 баллдан юқори, 20% талаба эса 55 % дан юқори балл тўплашди. Тажриба гуруҳи талабалари педагогик амалиётнинг якуний ҳисобот назоратлари натижасига кўра 36 % 86 баллдан юқори, 64 % эса 71 баллдан юқори топлашга эришдилар. Тажриба синовлари шуни кўрсатдики назорат гуруҳи талабалари орасида 55-70 балл тўплаган талабалар мавжуд, аммо тажриба гуруҳи талабалари орасида бундай паст баллга эга бўлган талабалар йўқ.

Тажриба гуруҳи талабаларининг белгиланган малакалар бўйича олган рейтинг баҳолари

1-жадвал

Малакалар	1 босқичда				2 босқичда				3 босқичда				4 босқичда			
	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст
1 гуруҳ	1	4	5	х	1	5	4	х	2	6	2	х	4	6	х	Х
2 гуруҳ	2	4	4	х	2	5	3	х	2	6	2	х	4	6	х	Х
3 гуруҳ	1	3	6	х	2	4	4	х	2	5	3	х	4	6	х	Х
4 гуруҳ	2	4	4	х	2	4	4	х	2	5	3	х	3	7	х	Х
5 гуруҳ	2	3	5	х	2	3	5	х	2	5	3	х	3	7	х	Х
Σ	8	18	24	х	9	21	10	х	10	27	13	х	18	32	х	Х
% да ўзгаришлар	16	36	48	х	18	42	20	х	20	54	26	х	36	64	х	Х

Назорат гуруҳи талабаларининг белгиланган малакалар бўйича олган рейтинг баҳолари

2-жадвал

Малакалар	1 босқичда				2 босқичда				3 босқичда				4 босқичда			
	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст	86 100	71 85	55 70	54 паст
1 гуруҳ	2	3	5	х	1	2	7	х	2	4	4	х	3	5	2	Х
2 гуруҳ	1	4	5	х	1	3	6	х	1	6	3	х	2	5	3	Х
3 гуруҳ	2	4	4	х	2	3	5	х	2	4	4	х	3	5	2	Х
4 гуруҳ	2	4	4	х	1	4	5	х	2	4	4	х	3	6	1	Х
5 гуруҳ	2	4	4	х	2	3	5	х	2	4	4	х	3	5	2	Х
Σ	9	19	22	х	7	15	28	х	9	22	19	х	14	26	10	Х
% да ўзгаришлар	18	38	44	х	14	30	56	х	18	44	38	х	28	52	20	Х

Хулосалар

1. Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш муаммосига катта аҳамият берилади, чунки ватанимизнинг келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Ўқув жараёнининг ва кейинги касбий фаолиятнинг муваффақияти кўп жиҳатдан талабаларнинг педагогик амалиёт даврида бўлажак касбий-педагогик фаолиятига қандай тайёрланишига боғлиқдир. Илмий-услубий адабиётни тахлилий кўздан кечириш хозирги вақтда адабий манбаларда ушбу масала етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Шу муносабат билан тадқиқот мавзуси долзарбдир.

2. Тўртинчи курс талабаларининг касбий тайёргарлигини педагогик амалиётни тахлил қилганимизда олинган маълумотлар бўйича тадқиқ қилиш талабаларнинг педагогик амалиётга етарлича касбий тайёргарликка эга бўлмай бораётганликларини кўрсатди. Анкета сўровларининг натижаларига кўра бунинг бош сабабларидан бири 60 фоиздан ортиқ талабалар ўзларининг бўлажак касбларига бефарқ муносабатда эканликларидадир.

Анкета сўрови ёрдамида шунингдек талабаларнинг 85 фоиздан ортиғи амалий машғулотларга кўпроқ эътибор бериши ва назарий билимларни ўрганишга мутлақо оз вақт ажратишлари аниқланди.

3. Талабаларнинг мактабдаги педагогик амалиётга тайёрланиш ва уни ўтказиш давридаги педагогик фаолиятларга янги педагогик ва инновацион технологиялар ёрдамида педагогик билим ва малакаларини ошириш модели ишлаб чиқилди.

4. Педагогик билим ва малакалар бўйича касбий тайёргарлик кўрсаткичларининг қиёсий тахлили педагогик тажрибанинг бошида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида педагогик малакаларнинг 5 гуруҳи бўйича статистик фарқланишлар кузатилмаслигини аниқлаш имконини берди. Бу тажриба ва назорат гуруҳи талабаларининг педагогик тажриба бошида бир хил даражадаги касбий тайёргарликка эга бўлганлигидан гувоҳлик беради.

5. Педагогик тажриба педагогик билим ва малакаларни 5 гуруҳи бўйича

Ўз-ўзини такомиллаштириш технологияси ишлаб чиқилган. Асосий устунлиги касбий кўникмаларни тўғрилаш учун «тўғридан тўғри ахборотни» ва албатта «қайта алоқа» ахборотини ишлатишда ифодаланадиган услубнинг самарадорлигини аниқлади. Ўрганилаётган педагогик йўналтирилган материалнинг ҳажми ва эслаб қолиниш мустаҳкамлиги ошди.

6. Тадқиқотлар ниҳоясига етгач, таҳлиллар шуни кўрсатадики тажриба гуруҳида бошланғич ва якуний маълумотлар ўртасидаги фарқ фақат педагогик амалиётдан олдинги даврни эмас, шунингдек ундан ўтиш вақтини ҳам тавсифлайди.

7. Педагогик тажрибанинг натижалари ишлаб чиқилган услубнинг самарадорлигини тасдиқлади. Бу услубнинг устунлиги талабаларда касбий-педагогик малака ва кўникмаларни шакллантиришни тўғрилаш учун жорий бўлганидек якуний назорат шаклида ҳам доимий фойдаланиш оқибатида жисмоний маданият йўналиши талабаларнинг касбий фаолиятини бошқаришнинг самарадорлигини кўтариш имкониятидадир, бу эса талабаларнинг фаолиятининг ҳар бир машғулотда фаоллашиб боришига ёрдам берди.

9. Ўтказилган педагогик тажриба натижасида ўқув амалиётнинг ҳажми ва ўқув жараёнида унинг (солиштирма) салмоғини ошириш зарурлиги аниқланди. Бу шубҳасизки талабаларда касбий билим маҳорат ва кўникмаларни шакллантиришда ўқитиш самарадорлигида ўз аксини топади.

Амалий тавсиялар:

1. Талабаларнинг 1-курсдан 4-курсгача ўқитиш жараёнида педагогик фаолият учун зарур бўлган янги педагогик ва инновацион ахборот технологияларга асосланган билимларни, малака ва кўникмаларни шакллантирилишига ёрдам бериш керак.

2. Услугачиларнинг талабалар билан биргаликда амалий машғулотларнинг муҳокамасини ва назарий билимларнинг тахлилини жамоавий ва яқка тартибда ўтқишлари мақсадга мувофиқдир.

3. Талабалар ўз устида кўпроқ ишлаб мустақил равишда билим олишларига услубий таъмондан ёндашиб мустақил таълим жараёнини инновацион таълим орқали модернизация қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Жамоода гуруҳнинг ҳар бир талабасининг педагогик билимлар, тажрибаларни шакллантиришга ифодаланганлик даражасини ва бу шаклланишни тенденциясини муҳокама қилиш зарур.

5. Билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришда уларнинг касбий-педагогик йўналтирилганлигига албатта аҳамият бериш керак.

6. Талабалардаги касбий билим, маҳоратнинг самарадорлигини шаклланишига ўқув амалиёти ҳажмининг оширилиши ва ўқув жараёнида унинг солиштирма салмоғининг кучайтирилиши ёрдам беради.

8. Талабаларнинг умумтаълим мактабидаги касбий фаолиятга тайёргарлигини ошириш мақсадларида мактаб дастурига мос келувчи режалаштириш дастурларини ўрганишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

9. Дарс бериш жараёнида ўқитишга муаммовий-тадқиқий ёндошувни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

10. Талабаларни ўз-ўзини тарбиялашнинг ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзига буйруқ бериш, ўз-ўзини ишонтириш, ўз-ўзини қўллаш, ўз-ўзини ёқлаш, ўз-ўзини танқид, ўз-ўзига мажбурият юклаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзига ҳисобот бериш каби усуллар билан олдиндан таништириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Ўзбекистоннинг янги қонунлари» тўплами, – Т.: 1998, 17-сон.
2. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», 29 август, 1997 й.
3. «Олий таълим муассасаларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президнетининг қарори. Тошкент шаҳри 2011 йил 20 май.
4. Абдулина О. Мониторинг качества профессиональной подготовки. // Высшее образование в России. 1988. – № 3. – 35-38.
5. Авксентьев Е.Н. Формирование готовности студентов педагогических вузов физкультурно-спортивной деятельности: автореф. дис. ... канд. пед. наук / Авксентьев Евгений Николаевич; Чуваш. гос. пед. ун-т им. И.Я. Яковлева. - Чебоксары, 2004. - 22 с.: табл.
6. Азизов Н., Шарипов А. Построение предсоревновательной подготовки борцов.// «Академик лицей ва касб хунар коллежларида жисмоний тарбияни такомиллаштириш муаммолари» Мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижан, 2003. – С. 18-19.
7. Азизхўжаева Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар. – Т.: ТДПУ. 2003.
8. Антонов Л.К. Формирование профессионально-преподавательских умений и навыков у студентов институтов физической культуры: автореф. дис. ... канд. пед. наук. ГЦОЛИФК. - М., 1952. - 17 с.
9. Аросьев Д.А. и др. Методика физического воспитания школьников. /Под ред. Г.Б.Мейксона, Л.Е.Любомирского. М.: Просвещение, 1989. 198 с.
10. Ашмарин Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании: Пособие для студентов, аспирантов и

преподавателей ИФК. - М.: Физкультура и спорт, 1978. – 223 с.

11. Аяшев О.А. Система подготовки общественных физкультурных кадров в педагогических вузах : автореф. дис. ... канд. пед. наук / Аяшев О.А.; ВНИИФК. - М., 1983. - 25 с.

12. Бабанский Ю.К. и др. Введение в научные исследования по педагогике. Учебное пособие. М.: Просвещение, 1988. – 239 с.

13. Багина В.А. Профессиональная готовность студентов к педагогической практике - Professional Preparedness of Students for Teaching / В.А. Багина // Теория и практика физ. культуры. - 2005. - N 9. - С. 48-51.

14. Багина В.А. Профессиональная готовность студентов к педагогической практике - Professional Preparedness of Students for Teaching / В.А. Багина // Теория и практика физ. культуры. - 2005. - N 9. - С. 48-51.

15. Балбенко С.Ю. Личность учителя физической культуры и условия ее формирования в высшей школе: дис. ... канд. пед. наук. – Харьков, 1971. – 21 с.

16. Белик В.П. Исследование некоторых вопросов профессиональной подготовки студентов факультетов физического воспитания педагогических институтов: дис. ... канд. пед. наук. – М., 1971. – 22 с.

17. Бондаревский Е.Я. Педагогические основы контроля за физической подготовленностью учащейся молодежи: автореф. дис. ... д-ра пед. наук. – М., 1983. – 45 с.

18. Борисов В.Я. Педагогические основы профессионально ориентированного физического воспитания студентов : автореф. дис. ... канд. пед. наук / Борисов Валерий Яковлевич; Белорус. гос. ун-т физ. культуры. - Минск, 2004. - 23 с.: ил.

19. Быков Ю. Теоретические и методические аспекты формирования профессионала-педагога в период обучения в физкультурном вузе / Быков Ю. // Теория и практика физ. культуры. - 1996. - N 12. - С. 67.

20. Вавилов Ю.Н. Проверь себя: (К индивидуальной системе самосовершенствования человека) / Вавилов Ю.Н., Ярыш Е.А., Какорина Е.П. // Теория и практика физ. культуры. - 1997. - N 9. - С. 58-59.

21. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя: Учеб. Пособие. М.: Прометей, 1993. – 117 с.

22. Виленский М.Я. Профессиональное мышление в теории и практике педагогической деятельности преподавателя физического воспитания высшей школы // Теория и методика физической культуры. 1989. – № 7. – С. 19-21.

23. Виленский М.Я., Сафин Р.С. Профессиональная направленность физического воспитания студентов педагогических специальностей: Учебное пособие. – М.: Высш. шк., 1989. – 159 .

24. Виленский М.Я. Формирование физической культуры личности учителя в процессе его профессиональной подготовки. М. – 1990.

25. Виленский М.Я. Формирование индивидуального опыта творческой деятельности учителя физической культуры как условие его современной профессиональной подготовки / Виленский М.Я., Зайцева С.Н. // Теория и практика физ. культуры. - 1993. - N 7. - С. 10-12.

26. Виленский М.Я. Физическая культура в образовательном процессе. // Физическая культура и спорт на рубеже тысячелетий: Метериалы Всероссийской науч.-практ. конф. Ч. 3 СПб. – 2001. – С.35-44.

27. Виленский М.Я., Соловьев Г.М. Основные сущностные характеристики педагогической технологии формирования физической культуры личности. // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. – 2001. – № 3. – С.2-7.

28. Виленский М.Я. Уровни духовного отношения преподавателя физической культуры в процессе педагогической деятельности / М.Я.

Виленский // Спорт и здоровье: Первый междунар. науч. конгр., 9-11 сент. 2003 г., Россия, СПб.: (материалы конгр.) / С.-Петербург. гос. акад. физ. культуры им. П.Ф. Лесгафта. - СПб., 2003. - т. 2. - с. 231-232.

29. Винник В.А. Эффективность различных форм физкультурно-спортивной активности в формировании ценностных ориентаций личности: автореф. дис. ... канд. пед. наук / Винник Вера Андреевна; ВНИИФК. - М., 1991. - 23 с.

30. Власов К.П. Методы научных исследований и организация эксперимента. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 2000. – 116 с.

31. Вржесневский И.В., Парфенов В.А. Научные исследования в области физической культуры и спорта. – Киев, 1969. – 40 с.

32. Выдрин В.М. Введение в специальность: Учебное пособие для интов физ. Культуры. – Изд. 2-е перераб. – М.: Физкультура и спорт, 1980. – 119 с.

33. Выдрин В.М., Приходько В.Г. О внедрении научных результатов в практику работы тренеров ДЮСШ // Теория и практика физ. Культуры. – 1985. – № 5 – С. 26-27.

34. Ганчар И.Л. Преимущество в изучении студентами теоретического раздела плавания как спортивно-педагогической дисциплины // Тез. докл. Всесоюз. науч.-метод. конф. «Научные основы физкультурно-оздоровительной работы среди населения». – М.: ВНИИФК, 1986. – С. 41.

35. Годик М.А. Спортивная метрология: Учебник для ИФК. – М.: Физкультура и спорт, 1988. – 192 с.

36. Голубев В.В. Характеристика модели выпускника педагогического факультета института физической культуры / Голубев В.В. // Теория и практика физ. культуры. - 1994. - N 3-4. - С. 42.

37. Двоглазов А.Н. Формирование профессионально-педагогических

умений у студентов института физической культуры в условиях практической деятельности. Автореф. дисс... канд. пед. наук. Омск, 1989. – 18 с.

38. Елманова В.К. Формирование гностических умений будущих педагогов. Л., 1973. – С. 3-9.

39. Ермаков В.А. Теория и технология дифференцированного физического воспитания детей и учащейся молодежи: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – М., 1996. – 40 с., 4 рис., 1 табл.

40. Железняк Ю.Д. Целостная профессиональная деятельность как системообразующий фактор построения обучения специалистов по физической культуре и спорту в вузе / Железняк Ю.Д. // Теория и практика физ. культуры. - 1994. - N 12. - С. 17-20.

41. Железняк Ю.Д. Подготовка специалистов по физической культуре и спорту в системе педагогического образования = Training of Specialists in Physical Culture and Sports in System of Pedagogical Education / Железняк Ю.Д. // Теория и практика физ. культуры. - 2002. - N 5. - С. 47-53.

42. Жуманиёзов М., Сафаров С. Янги педагогик технологиянинг узи га хос хусусиятлари. «Маърифат ёгдуси», 2001, 2.

43. Жуманиёзов М., Сафаров С. Янги педагогик технология хакида фикр ва мулохазалар. «Маърифат ёгдуси», 2004, 2.

44. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. М., 1987. – С. 23-43.

45. Зациорский В.М. Спортивная метрология. М.: ФиС, 1982. - 256 с.

46. Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. М.: Инсан, 2000. - 352 с.

47. Иванов В.С. Основы математической статистики.//Учебное пособие для ИФК. М.: ФиС, 1990.– 160 с.

48. Ильинич В.И. Профессионально-прикладная физическая

подготовка студентов вузов. – М.: Высшая школа, 1978. – 144 с.

49. Калашников Г.А. О подготовке учителей физической культуры. – В кн.: Физическое воспитание студентов. Калинин, 1974. – С.3-18.

50. Катрич Е.В. Педагогическая позиция преподавателя по физической культуре в учебных заведениях нового типа: автореф. дисс... канд. пед. наук. СПб., 1993. –24 с.

51. Керимов Ф.А. Спорт сошасидаги илмий ва тадқиқотлар. Т., «Zar qalam» нашриёти, 2004. – 334 бет.

52. Крайнин В.Л. Формирование учебной деятельности будущего учителя физической культуры. // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2004. – № 3. – С. 17-20.

53. Кузин Ф.А. Кандидатская диссертация. Методика написания, правила оформления и порядок защиты. – М.: Ось – 89, 1998. – 208 с.

54. Куликова Л.М. Модернизация содержания и организации непрерывной педагогической практики в физкультурном вузе. – М., 2004. – С. 12-42.

55. Лалаян А.А. Психологические особенности профессии учителя физического воспитания и тренера. Ереван, 1975. – С. 41.

56. Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ва химоя қилишга тайёрлаш бўйича услубий курсатмалар. – Т.: Молия, 1999. – 180 б.

57. Магистерская диссертация. Методика написания, правила оформления и порядок защиты. М.: Ось-89, 1999. – 304 с.

58. Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев: Олимпийская литература, 1999. – 318 с.

59. Матвеев Л.П. Модельно-целевой подход к построению спортивной подготовки (статья 2). //Теория и практика физической культуры и спорта. 2000, №3. С.28.

60. Матвеев Л.П. Интегративная тенденция в современном

физкультуроведении = Integrative Tendency in Modern Physculturology / Матвеев Л.П. // Теория и практика физ. культуры. - 2003. - N 5. - С. 5-8.

61. Матназаров Ў.Л., Шарипов А.К. Олий ўқув юртлари жисмоний маданият машғулотларида инсон омили. // *Ilm sarchashmalari*. Урганч, 2005. – № 2. С. 106-107.

62. Очиллов М. Янги педагогик технология. – Т.: 2001.– 4.

63. Рузихонова М.М., Шарипов А. Структура и содержание педагогической практики будущих специалистов по физической культуре и спорту.// «Академик лицей ва касб хунар коллежларида жисмоний тарбияни такомиллаштириш муаммолари» Мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижан, 2003. – С. 83.

64. Пулатов Ф.М., Рузиев М.М., Шарипов А. Оперативное и текущее нормирование нагрузок по величине в борьбе самбо.// Педагогик таълим. Т., 2003. – № 5. – С. 39-41.

65. Сабиров Ю.А. Обоснование и эффективность применения гимнастических упражнений соответствующих двигательным возможностям учащихся (на примере 4-5 кл.): автореф. дис... канд. пед. наук. – М., 1971. – 22 с.

66. Степанова Г.А., Булатова Г.А., Римазов Р.М. Профессионально-педагогическая подготовка будущих специалистов по физической культуре и оздоровлению школьников. // Теория и практика физ. культуры. - 2003. - N 4. - С. 60-62.

67. Тиселько А.Д. Исследование методики формирования у студентов факультетов физического воспитания навыков использования слова в обучении движениям: автореф. дис... канд. пед. наук. – М., 1970. – 21 с.

68. Холодов Ж.К. Технология теоретической профессиональной подготовки в системе специального физкультурного образования: Автореф.

дис. ... канд. д-ра пед. наук. – М., 1996. – 60 с., ил.

69. Шарипов А.К., Рузихонова М.М. Оптимизация профессиональной подготовки студентов педагогических вузов в условиях педагогической практики.// Педагогик таълим. Т., 2003. – № 2. – С. 50-51.

70. Шарипов А.К., Рузихонова М.М. Основы построения педагогической практики студентов физкультурных вузов.// Педагогик таълим. Т., 2003. – № 5. – С. 62-63.

71. Шарипов А.К., Жисмоний маданият фанидан педагогик амалиёт асослари.// УрДУ ноширлик бўлими, 2011. 79 б

72. Яковлев А.Л. Формирование творческого стиля педагогической деятельности будущих учителей физкультуры // Психолого-педагогические проблемы подготовки будущего учителя к воспитательной работе средствами физической культуры: Материалы конференции, (Пермь май 1986 г.), М., 1987. – С. 54-58.

73. Sport and fitness management: career strategies and professional content / Ed. by. J. B. Parks, B. R. K. Zander. - Champaign (Illinois): Human Kinetics Books, 1990. - X, 277 p.: ill.

1. www.ziyonet.uz
2. www.pedagog.uz
3. www.edu.uz
4. www.sport.uz
5. www.jamiyat.zn.uz
6. www.ursu.uz
7. www.dissertant.uz

ИЛОВА
АНКЕТА

1. Сиз ўзингиз педагогик амалиётдан ўтиш учун билим, маҳорат, малака ва кўникмаларингиз етарли деб ҳисоблайсизми?

- Ҳа;
- Йўқ.

2. Педагогик фаолиятнинг қайси томони сизни ўзига жалб этади?

- қулай кун тартиби;
- катта иш ҳақи;
- касбга муҳаббат;
- ижодий ҳар хиллик (рангбаранглик);
- меъёрланган иш куни;

Бошқа фикрлар бўлса ёзиб қўйинг _____

3. Сиз танлаган касбингизни севасизми?

- жуда яхши кўраман;
- яхши кўраман;
- бепарқман;
- кўргани кўзим йўқ.

4. Баъзи педагоглар яхши мутахассис бўлиш учун назарий машғулотларни икки марта қисқартириш ва амалий машғулотларни кўпайтириш лозим деб ҳисоблайдилар. Сиз қандай бўлиши керак деб ҳисоблайси?

Ёзиб қўйинг.

5. Жисмоний тарбия ўқитувчиси қандай бўлиши керак масаласида сизнинг фикрингиз

- қўмандонлик овозини яхши эгаллаган бўлиши;
- яхши назарий билимларга эга бўлиши;
- спорт турлари бўйича мусобақалар қоидаларини яхши билиши;
- режалаштириш ҳужжатларини тузишни билиши керак.

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

6. Сизнингча жисмоний маданият ўқитувчиси машқларнинг қайси турларини бажаришни ўзи билиши керак?

- УРМ ни;
- жиҳозларда (снарядларда) бажариладиган машқларни;
-

акробатик машқларни.

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

7. Сиз амалиётда кўргазмали қуроллар, қўлланмалар, ўқитишниг техник воситаларидан фойдаланасизми?

- Ҳа, фойдаланаман; (қайсиларидан) _____;
- Буни керак эмас деб ҳисоблайман; • Йўқ қўлламайман;

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____.

8. Сиз таниқли педагог В.О.Чаровникавнинг «Жисмоний тарбия олий ўқув юртларида педагогик амалиёт» китоби билан танишганмисиз?

- ҳа; • йўқ;

9. Унинг монографиясини қайси бўлими сизни кўпроқ даражада қизиқтиради?

- педагогик амалиётнинг мақсадлари, вазифалари ва ўзига хос томонлари;
- ишдаги ижодкорлик; • синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш;
- касбий фаолият тахлили ва ўз-ўзини тахлил қилиш; • спорт турлари бўйича мусобақаларга ҳакамлик.

10. Сизнинг фикрингизча, талабага педагогик амалиёт даврида қайси билимлар энг зарур?

- дарснинг конспектини ёзишни билиш; • УРМларини ўтказишни билиш;
- дарснинг хронометрикасини ўтказишни билиш;
- ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ўтказишни билиш;
- пульсометрия (томир уриш, ўлчаш)ни ўтказишни билиш;
- ўқувчилар билан тренировка машғулотларини ташкил қилишни билиш

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

13. Қайси ёшдаги болалар билан ишлаш сизга анча осон? Нима учун?

- 6-10 ёшлилар билан _____;
- 11-14 ёшлилар билан _____;
- 15-17 ёшлилар билан _____;

- мен учун болаларнинг ёшларининг фарқи йўқ;
- менга ҳар қандай болалар билан ишлаш ҳам қийин.

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

14. Айрим малакали педагоглар жисмоний тарбия бўйича уйга вазифа бериш керак эмас деб ҳисоблайдилар. Сиз уларнинг фикрига қўшиласизми?

- ҳа;
- йўқ.

15. Сизнинг фикрингизча дарснинг қайси қисмида жисмоний машқларни бажариш техникасига ўргатиш мақсадга мувофиқдир?

- кириш қисмида;
- тайёргарлик қисмида;
- асосий қисмида;
- оралик қисмида;
- якунловчи қисмида.

16. Сизнинг назарингизча бошланғич синфларда дарс давомида ҳаракатли ўйинларни ўтказишга қанча вақт ажратиш керак?

- 10-15 дақиқа;
- 15-25 дақиқа;
- камида 30 дақиқа;
- бу ёшда ҳаракатли ўйинларни бутун дарс давомида ўтказиш зарур.
- Ҳаракатли ўйинлар – бу вақтни бекорга сарфлашдир.

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

17. Сиз ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини назорат қилишни биласизми? Қандай қилиб?

- ҳа _____;
- йўқ _____;

19. Гимнастика атамалари билан танишмисиз?

- ҳа, биламан ва ҳар доим ишлатаман;
- биламан, аммо ишлатмайман;
- менга бу атамаларни ўзлаштириш қийин;
- мен бу атамаларни билимайман.

20. Дарсни ўтказишнинг қайси усулини ишлатишни биласиз?

- фронтал;
- гуруҳий;
- якка тартибдаги.

Бошқа фикрлар бўлса, ёзиб қўйинг _____

21. Сиз бўлажак дарсга вазифа қўйишни биласизми?

- ҳа, буни осонгина удалайман;
- менда чиқади, лекин унча аниқ эмас;

- вазифа қўйиш энг муҳим иш эмас, деб ҳисоблайман; • йўқ, билимайман.

22. Сиз хронометраж ўтказишни биласизми?

- ҳа, дарснинг умумий ва услубий тайёргарлигини осонгина таҳлил қиламан;
- баъзан қийналаман;
- менга фоизларни ҳисоблаш ва хулосалар чиқариш жуда қийин; • менга технология тушунарли эмас;
- йўқ.

23. Пульсометрия (томир уришни ўлчашни) ўтказишни биласизми?

- ҳа, менга томир уришининг қийшиқ чизиғининг ўзгаришини кузатиш жуда қизик;
- менда майда қийинчиликлар пайдо бўлади; • мен уни ўтказиш технологиясини унча тушунмайман;
- менга бу билан шуғулланиш унча қизик эмас; • йўқ.

25. Қўмондонлик овозига эгамисиз?

- ҳа; • йўқ.

26. Қайси спорт турларига ҳакамлик қилишни биласиз?

Ёзинг _____

27. Сиз ҳаракатли ўйинларни ташкил қилишни ва ўтказишни биласизми?

- ҳа, ўйинларни осонгина танлайман ва ташкил қиламан;
- менда уларни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади;
- менга маълум ёшдаги болалар учун ўйин танлаш қийин;
- мен ҳаракатли ўйинларни турли сабабларга кўра ҳеч қачон ўтказмайман.

28. Сиз эстафетани ўтказа оласизми?

- ҳа, исталган ёшдаги болалар билан эстафеталарни осонгина ташкил қила ва ўтказа оламан;
- эстафеталарни фақат бошланғич сифнлардагина ўтказа оламан;
- менда эстафеталарни танлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келади;
- эстафеталарни ўтказишни билимайман.

Ф.И.О.И _____

Ёшингиз _____

Спорт тури _____

Спорт малакангиз _____

Анкеталаштириш жараёнини такомиллаштириш бўйича сизнинг
таклифларингиз.

РАҲМАТ!